

ОЙЛІК

Ойлик ижтимоий - маърифий журнал,
1433, Ражаб, 1-сон

ЗИЙНАТ НИЙМА

АЁЛ ВАХТИ

Muslimaat.uz

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

Аёл – беназир мавжудот, Аллоҳнинг яратмишлари ичра ўхшалий йўқ нозик бир хилқат. Эркак яралганидан буён ўз жуфтига талпинади, унинг таърифига чиройли сўз, гўзал ташбех, мукаммал қиёс ахтаради.

Асрлар оша аёл зоти гоҳ мақтov-мадҳиялар қанотида самоларга учирилди. Гоҳ мазамматлар арконига маҳкам боғлаб, ер қаърига улоктирилди. Унга «Ақли нокис, шу боис аёллардан пайғамбар чиқмаган», «Аёл одам эмас, шайтоннинг ургочиси», деган ноўрин ва қабих таъна-маломатлар чапланди.


Нодон инсон пайғамбарларни ҳам оналари, яъни аёл тукқанини билмади, билса ҳам, назарга илмади, бадбаҳт Фиръавн Яратганни тан олмай, ўзини «илоҳ» деб эълон қилганида унинг саройида туриб, унинг хотини бўлатуриб, Аллоҳни таниган, Унинг розилигини истаган Осиё бинти Мазоҳим ҳам аёл эканини эсидан чиқарди. Яман маликаси Билқис бинти Шароҳил Сулаймон алайҳис-саломнинг даъвати билан ҳеч тараффудсиз Аллоҳга иймон келтиргани ва таҳтдан воз кечгани унча-мунча эркак кишининг қўлидан келмайдиган мардлик эканини тан олгиси келмади. Аллоҳ ҳузуридаги руҳнинг илқо қилинишидан Ийсо алайҳис-саломдек пайғамбарни отасиз дунёга келтирган зот – Биби Марям ҳам аёл эканини унутди. Пайғамбарамиз Муҳаммад алайҳис-саломга нозил бўлган ваҳийни биринчи бўлиб тасдиқлаб, иймон келтирган ва умр бўйи Фахри коинотга сафдош, кўмақдош, сирдош бўлиб яшаган Хадича бинти Хувайдид ҳам аёллар жумласидан эканидан фаромуш бўлди. Ўзининг нури ила бутун оламни мунаvvар айлаган Ислом динигина аёлнинг даражасини кўтарди, унинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя этди, унга саодат эшикларини, нажот манзилларини кўрсатиб берди. Бугунги кунда муслималар дунёдаги барча ҳамжинслари ичida энг саодатлиси, энг бахтиёри, энг арзандаси ва ҳурматга сазоворидир.

«Муслимаат.uz» сайти сахифаларида янги «Омина» номли аёл-қизлар электрон журналини ташкил этиб, муслима дугоналаримизга тухфа этиш истаги ана шу фикрлар пўртганасида туғилиб етилди. Аллоҳ таолонинг тавфики ва лутфу инояти ила истаклар рўёбга чиқиб, минг бир истиҳола ва андишалар ила сиз азизаларнинг эътиборига уни ҳавола этиш бахти ҳам насиб этди. Барчангиздан ўтинчимиз шуки, янги электрон журнални ўз маслаҳатгўйингиз, сирдошингиз, яқин ҳамдамингиз сифатида қабул қилинг, унинг ҳар бир янги сони билан мунтазам танишиб бориб, қўнгилларни таскин топтиринг. Яна бир ўтинчимиз шуки, туғилган фикрлар, айтилмай қолган гаплар, кўнглингиз тўлмаган ўринлар кўлингизга қалам тутқазиб, биз билан ҳамкорликка чорласа, ҳимматингизни дариг тутманг...

Барчаларингизга муслималар журнали муборак бўлсин! Ҳаммаларингизни мулоқотга, ижодий ҳамкорликка чорлаб қоламиз. Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Камоли эҳтиром ила,

«Муслимаат.uz» таҳририяти.



Хозирги кунда кўпчилик оналаримиз фарзанди бетоб бўлиб қолса, шифокорга бир-икки мурожаат қилиш билан кифояланадилар. Аммо саждаларда узоқ қолиб, жигарбандининг ҳаққига дуолар қилиш, яrim тунда уйқусидан уйғониб, намоз ўқиш, намоздан сўнг киладиган дуоларида боласининг дардига шифо сўраш ҳоллари жуда ҳам нодирдир. Шифокорни «қўлидан ҳеч нарса келмайдиган пандавақи»лиқда айблагандан кўра оналарнинг ўзлари астойдил дуога киришсалар, ажабмас, Аллоҳ таоло ҳам моҳир табиби рўпара қилса...

Аллоҳ таолога У Зотнинг жалолига мос ҳамду санолар бўлсин, қизларимиз ниҳоятда керакли, фойдали ҳамда савобли ишга кўлурдилар. «Омина» электрон журналиниң муҳтарам ўқувчиларини ушбу хайрли ишнинг бошланиши илиа чин қалдан табриклайман. Аллоҳ таолога илтижо илиа бу ишнинг бардавом ва серфойда бўлишини таъминлашини тилаб дуолар киласман. Шу билан бирга, барча имкони бор азизларимизни бу журналнинг ривожига қўлдан келган хиссаларини қўшишга чақираман. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзи мададкор бўлсин!

**Шайх Муҳаммад Содик
Муҳаммад Юсуф**

**«Омина» электрон журналиниң
ҳайъат аъзолари:**

**Дилором Гозиева
Нозима Муратова
Назокат Қосимова
Дилафруз Юсупова
Оминахон Муҳаммад Юсуф
Одинахон Муҳаммад Юсуф
Наргиза Атажанова**

«ЭЙ НАБИЙНИНГ АЁЛЛАРИ!...»

«Эй Набийнинг аёллари! Сиздан ким очиқ гуноҳ қилса, унга бериладиган азоб икки марта қўпайтирилур. Бу эса Аллоҳга осондир» (Аҳзоб сураси, 30-оят).

Аслида, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тоҳира аёлларидан очиқ бир гуноҳ содир бўлиш хавфи йўқ. Лекин бу оятда маънонинг бўрттириб келтирилиши оналаримизнинг бўйинларидағи масъулият қанчалик оғир эканини, уларнинг Ислом жамиятидаги тутган ўринлари нақадар юксаклигини англатиш учундир. Шунинг учун ҳам улар, мабодо, бирор гуноҳ содир этсалар, оддий аёлларга бериладиган азобга нисбатан икки баробар азоб берилиши таъкидланмоқда. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари мусулмонлар учун гўзал ўрнак бўлганлари каби, у зотнинг оиласлари, жумладан, аёллари ҳам гўзал намунадирлар. Ҳамма кўз тикиб турадиган намунали зотлар доимо ўзларига хушёр бўлишлари, ҳеч қачон шариатга хилоф иш қилмасликлари керак.

﴿ وَمَنْ يَقْنُتْ مِنْكُنَ لِلَّهِ وَرَسُولِهِ، وَتَعْمَلْ صَدِيقًا حَانُقَهَا أَجْرَهَا
مَرَتَّبَنِ وَأَعْتَدَنَا لَهَا إِرْزَقًا كَرِيمًا ﴾

«Сизлардан ким Аллоҳ ва Унинг Расулига итоатда бўлса ва яхши амал қилса, унинг ажрини икки марта берамиз ва унинг учун гўзал ризқни тайёрлаганмиз» (31-оят).

Мабодо оналаримизнинг бирор тасидан гуноҳ содир бўлиб қолса, уларга жазо икки марта зиёда қилиб берилиши эълон этилганидан сўнг, улардан ким Аллоҳ таолога ва Унинг Расулига доимий итоатда бўлса ва яхши амал қилса, ажрининг икки баробар этиб тайинлашини айни адолатdir.

Ха, улар доимо зиммаларидаги улуғ масъулиятни хис этиб яшашлари керак. Шу билан бирга, фақирона, камтарона хаёт кечиришлари лозимлиги ҳам аввалги оятлarda таъкидланди. Буларнинг ҳаммаси эвазига ажр-савоб икки марта зиёда бўлиши айни адолатdir. Шунингдек, улар учун охиратда, жан-

натда Аллоҳ таоло гўзал ризқ тайёрлаб қўйгани ҳам айни адолатdir.

يَنِسَاءَ الَّتِي مَنْ يَأْتِ مِنْكُنَ بِنَحْشَةٍ مُّبَيِّنَةٍ يُضَعَّفُ لَهَا
الْعَذَابُ ضَعْفَيْنِ وَكَانَ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرًا

«Эй Набийнинг аёллари! Сизлар аёллардан бирортаси каби эмассиз. Агар тақво қilsангиз, майин сўз қилманг, яна қалбида касали бор бўлган тана қилиб юрмасин. Ва маъруф гапни гапиринглар» (32-оят).

Яъни сизларнинг бошқа ҳамма аёллардан фарқларингиз бор. Сизлар Пайғамбарнинг хотинларисиз, мўминларнинг оналарисиз. Ҳамма мўминалар учун ўрнаксизлар.

Ха, сизлар аёллардан бирортаси каби эмассизлар. Бу мақомга эришишларингиз учун Пайғамбарга жуфти ҳалол бўлганингизнинг ўзи етмайди, тақво ҳам қилишларингиз керак.

«Агар тақво қilsангиз, майин сўз қилманг...»

Овозингизни майин, назокатли қилиб, эркак кишига таъсир этадиган ҳолатда гапирманг.

«...яна қалбида касали бор бўлган тана қилиб юрмасин».



Муноғиқ ва иймони заифлар сизнинг майин овонгизни эшитиб, фисқу фужурни бошлаб қолмасинлар.

«Ва маъруф гапни гапиргилар».

Амри маъруф бўладиган, кишиларни тақвога, яхшиликка чакирадиган гаплардан гапиргилар.

Исломда оила масаласига алоҳида эътибор билан қаралиши маълум. Чунки оила ҳар бир жамиятнинг ўзаги бўлади. Оилалари мустаҳкам бўлган жамиятнинг ўзи ҳам мустаҳкам бўлади. Ҳамма нарса оиласидан бошланади.

Шунингдек, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оилаларига алоҳида эътибор беришда ҳам катта ҳикмат бор. Чунки Ислом жамиятининг ўзаги мусулмон оилалари бўлса, мусулмон оилаларнинг ўзаги ушбу муборак оиладир. Исломий оила қандай бўлади? Исломий оиласи ўзаро муносабатлар қандай бўлиши керак? Шу каби кўплаб саволларга айнан мана шу муборак оиладан жавоб ва ўрнак олинади.

Бу хусусда мулоҳазалар жуда ҳам кўп. Лекин нима учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг азвожи мутоҳҳараларига бунчалик жиддий эътибор берилмоқда? Ҳолбуки, душманлар «Ислом аёллар масаласига эътибор бермайди, аёл кишига мислсиз жабр-ситам беради», – деб айблайдилар-ку?

Аввало, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларига Қуръони Каримда бунчалик кўп эътибор берилишининг ўзи душманларнинг гаплари беҳуда эканига ёрқин далилдир. Қолаверса, бу масалада анчагина гап бор. Аллоҳ таоло ер юзига Ислом нурини юбора бошлаган вақтда бутун дунё жаҳолат ботқогига ботган эди. Чор атрофда жоҳиллик,adolatcizlik, зулм ва жабру ситам ҳукм сурарди. Айниқса, аёлларга тегишли масалаларда бу салбий ишлар авж олиб, энг чўқига чиққан эди. Ҳатто аёлни одам ўрнида кўрмайдиган тоифалар бор эди. Масалан, насоролар оламида алоҳида йиғилиш ўтказилиб, ўша вақтдаги раҳнамолар томонидан «Аёл эркакни йўлдан уриш учун яратилган шайтондир, унга кўзи тушган одам ҳам гуноҳкор бўлади. Аёл ҳавони булғатмаслиги учун оғзига тўсиқ тутиб юриши керак», деган қарорлар қабул қилинган эди. Аҳли китоб бўлмиш насоролардан келгани шу бўлганидан кейин, бошқа тоифаларни қўйиб турсак ҳам бўлади. Жоҳилият тузумида аёлга дунёнинг матоҳи сифатида қаралар эди. У эркак кишига матоҳ эди, гўё. У эркак кишининг шахвати учун керак эди. Жинсий алоқаларда ким нимани хоҳласа, шуни қиларди. Оила масаласи жуда оғир аҳволда эди. Аёл кишини молу мулкка қўшиб, мерос қилиб олиш оддий ҳол эди. Аёлга қилинган паст муносабатлар, унга етказилган турли зулмлар-

нинг мисоллари бошқа сура ва оятларда ҳам келди.

Ислом дини мукаммал илоҳий тузум ўларок, дунёдаги мавжуд барча нуқсонларни, жумладан, инсониятнинг нафис парчаси саналмиш аёлларга муносабатдаги мавжуд нуқсонларни ҳам тузатишига киришди. Аёлга тўлақонли инсон сифатида қараш масаласини ўртага қўйди. Аёлларга қилинаётган зулм, жабр ва ситамни кесишга киришди. Шу билан бирга, исломий қонун-қоидаларни, ахлоқ-одобларни, тасаввур ва маданиятни жорий қила бошлади. Ўша вақтда аёлларга етказилган зулм кўп бўлгани учун Исломда уларга эътибор ҳам кўп бўлди.

Қуръони Каримнинг узун сураларидан бири «Нисо» («Аёллар») деб аталди. Бошқа бир сура «Мужодала» («Тортишувчи аёл») номини олди. Шунингдек, Талоқ сурасини ҳам «Кичик Нисо», дейишади. Қуръони Каримнинг бошқа сураларида ҳам аёллар масаласига алоҳида эътибор билан қаралади. Нур сураси бунинг ёрқин мисолидир. Ҳозир биз ўрганаётган Аҳзоб сураси ҳам шулар жумласига киради. Аёлларга бўлган эътиборнинг тасдиғи ўлароқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмон умматига қўлган оммавий ваъз-насиҳатларидан ташқари, яна аёллар учун алоҳида мажлислар ҳам ўтказиб турадилар.

Шу билан бирга, мазқур оятларни, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини, ҳадисларини, шариат аҳкомларини муслима аёлларга ўзига хос услуг билин етказадиган, хусусан, аёлларнинг ўзларигагина хос бўлган масалаларни тушунтириб берадиган муаллималар керак эди. Бу вазифани фақат Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларигина бажаришлари мумкин эди. Шунинг учун ҳам юқорида ўрганган оятларимизда у зотларга алоҳида эътибор билан қаралмоқда, алоҳида талаблар қўйилмоқда. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари кўп бўлгани ҳам асосан шу эътибордан-дир. Чунки бундай улкан масъулият – Ислом уммати аёлларига Қуръони Карим, Суннати набавия таълимотларини, шариат аҳкомларини етказиш битта ёки тўртта аёлнинг қўлидан келадиган иш эмас эди.

Аҳли байтдан доғларни кетказиб, бутунлай поклаш учун уларда зарур сифатларнинг мавжуд бўлиши шарт эканига юқоридаги оятларда ишора қилинди. Ислом жамиятидан кирлиkn кетказиб, уни бутунлай поклаш учун ҳам, албатта, ўша жамият аъзоларида маълум бир сифатлар, қадрияtlар бўлиши керак. Чунки Аллоҳнинг розилигига эришиш, жаннатга кириш ўз-ўзидан бериладиган мукофот эмас.

«Тафсири Ҳилол»дан

ХАДИСНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча оғиз сўз билан Исломдаги улкан қоидани асослаб бердилар: «Шубҳали нарсалардан йироқ юринг. Фақат ҳалол-пок неъматлар билан бўлинг!»

Ибн Ҳажар Ҳайтамий мазкур ҳадис шархининг сўнгига ёзадилар: «Ушбу ҳадис Ислом динининг улуг қоидаларидан бири саналади. Ҳак нурни тўсиб кўювчи шубҳа-гумонлар зулм-зулматларини ёриб ташлашда ҳам юқоридаги ҳадис асл асос ҳисобланади».

ҲАДИСДАН ОЛИНАДИГАН САБОҚЛАР

1. Шубҳали нарсаларни тарк этиш лозим;

Ибодатда, муомалада ва умуман, ҳар бир вазиятда, барча ўринларда ўзини шубҳали нарсалардан узок тутиб, фақат ҳалол-пок тарзда иш юритиш мусулмон кишини такводор зотлар сафига қўшади. Шайтон вас-васаларини даф этишда жуда фойдали бўлган мазкур хусусият инсон учун дунё ва охиратда кўплаб хайрли оқибатларни юзага келтиради, иншааллоҳ! Зоро, шубҳали нарсалардан йироқ юрган киши ўз динини ва шаънини покиза сақлаб қолган бўлади. Аниқ ва ҳалол нарса банданинг қалбида заррача шубҳа түғдирмайди. Ҳалол йўл билан ҳаёт кечириш қўнгилга ором бағишлиди. Унга эришган диллар ажиб саодатни тужди. Инсон шубҳали нарсалардан зохирان рози бўлса-да, унинг қалби ғашлик ва гумонлардан изтиробга тушади. Аслида маънавий йўқотиш сифатида унга мана шу аламли оғриқ ҳам етарли жазо бўлади. Бироқ энг катта йўқотиш ва баҳтсизлик кейинроқ – инсон шубҳали нарсаларга кўнишиб, аста-секин ҳаромга қўл ура бошлагач, бор бўйи билан кўринади. Чунки тақиқланган жой атрофида ўралашган кимса бир куни у ерга кириб қолиши хеч гап эмас.

2. Шубҳали нарсаларни тарк этиб, фақат ҳалол-пок амалларга берилиш хусусида салафларнинг сўzlари ва ишларидан:

Абу Зар Ғифорий розияллоҳу анҳу айтади: “Ҳаром бўлиб қолишидан кўрқиб, айрим ҳалол нарсаларни тарк этиш камоли такводир”.

Абу Абдураҳмон Амрий: “Тақводор банда шубҳали нарсаларни шубҳа түғдирмайдиган ҳалол-покиза нарсаларга алмаштиради”, деган.

Фузайл дейди: “Одамлар тақвони оғир нарса деб ўйлашади. Мен икки йўл турган бўлса, ҳамиша кийинроғини танладим. Сени шубҳага солган нарсаларни қўйиб, шубҳага солмайдиган аниқ-ҳалол нарсаларни тут”.

Ҳассон ибн Абу Синон: “Такводорликдан осон нарса йўқ: қачон сени бирор нарса шубҳалантиrsa, уни тарк эт”, дейди.

«Язид ибн Зарій ўзига теккан беш юз минг (тилла) меросни тарк этди. Унинг отаси сultonлар хизматини қиласиди. Улкан меросни тарк этган Язид бир умр сават тўқиб, шунинг орқасидан кун кечирди».

«Мисвар ибн Махрама тижорат учун жуда кўп дон сотиб олди. Куз пайтида кўкка булат чиққанини кўриб, кайфияти бузилди. Сўнг ўзининг бу қилиғидан норози бўлиб деди: “Во ажаб! Ҳали мен мусулмонларга фойдали бўлган ёмғирни ёмон қўрдимми?!” Шундан кейин ўша сотиб олган молидан мутлақо фойда қилмасликка қасам ичди. Унинг қароридан хабар топган Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу шундай дедилар: «Аллоҳ сени хайрли мукофотлар билан тақдирласин!»

«Иброҳим ибн Адҳамдан сўрадилар:



– Нега Замзам сувидан ичмаяпсиз?

– Челагим бўлганда, ичардим! – деб жавоб бердилар Ибн Адҳам. Замзам ёнига қўйилган челак сultonning молидан эди. Ибн Адҳам унинг шубҳали эканига ишора қилдилар.

Юкорида айтилган мисоллар кимгadir ҳаддан зиёд муболаға бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бир ҳақиқат ҳеч вақт хотиримиздан қўтарилмасин: уммат нопок-ҳаром ишлардан ўзини пок сақламоғи ва ҳалол ҳаёт кечирмоғи учун ҳамиша ёрқин ҳаётий намуналарга эҳтиёж сезади. Агар ана шундай солих мисоллар ва таъсирили сўзлар изсиз йўқолса, уммат аста-секин шубҳали ҳамда ҳаром нарсаларга қўни-киб кетади. Зеро, меҳрибон, доно насиҳатгўйидан айрилган Ислом уммати ҳаёт сўқмокларида жонли мисолларга доимо муҳтождир.

3. Аниқ билан шак-шубха қарама-карши келиб қолса, қай бири олиниади?

Мазкур вазиятда аниқ ҳолат олиниб, шубха-гумондан юз ўгирилади. «Шаръий ахкомлар мажалласи» тасдиқлаган фиқхий қоидаларнинг иккинчиси айнан мана шу мавзу хусусида: «Аниқ ишонч гумон туфайли бекор бўлмайди». Қоидани яхшироқ тушуниб олишимиз учун мисол келтирамиз: Бир киши таҳорат олди. Сўнг «Таҳоратим бузилди шекилли», деб шубҳаланиб қолди. Яъни у таҳорат олганини аниқ билади-ю, лекин бузилган-бузилмаганини эслай олмаяпти. Бундай ҳолатда аниқ нарса эътиборли саналиб, ҳалиги киши таҳоратли дейилади.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Бирортангиз қорнида бирор нарсани топса, унга ундан бир нарса чиқдими-йўқми, аниқ бўлмай қолса, токи овозни эшитмагунича ёки елни (ҳидини) топмагунича масжиддан чиқмасин». (Муслим ривоят қилган)

4. Шариат ахкомларига тўлиқ бўйсунганди киши шубҳали нарсалардан ўзини сақласин.

Биз Аллоҳ таолодан чин маънода қўрқадиган, Исломга тўлиқ амал қиласиган тақводор мўминларни шубҳалардан йироқ юришга даъват этяпмиз. Бироқ ҳаром-ҳаришга ботиб юрадиган кимсанинг дақиқ шубҳалар қаршисида тақводор бўлиб қолиши «товук тақво» дейилади. Биз уни бундай тақводан қайтaramиз. Чунки у аввал ўзини очик ҳаром ишлардан тийсин. Ундан биринчи навбатда мана шу талаб қилинади.

Йироқ аҳлидан бир киши Ибн Умар розияллоҳу ан-худан чивин қони ҳақида сўради. Ибн Умар дедилар: «Хусайнни ўлдирган кимсалар мендан чивин қони ҳақида сўрайдилар-а?! Расулуллоҳ соллаллоҳу алай-

ҳи васалламнинг Ҳасан ва Ҳусайн хусусида: «Улар менинг дунёдаги гул-райхонларимdir!» деганларини эшитганман».

«Бишр ибн Ҳорисдан сўрашди:

– Она ўғлидан хотинини талоқ қилишини сўрайти. Ўғил онасининг талабига жавоб берадими?

Бишр жавоб бердилар:

– Агар ўғил барча нарсада онасига яхши муомала-да бўлиб, бўйсуниб келган ва фақат хотинини талоқ қилиш масаласи қолган бўлса, волидасининг амрига юрсин. Бироқ онага бўйсуниб хотинини талоқ қилгач, онасини савалайдиган бўлса, талоқ қилмасин».

Бир киши Имом Аҳмад ибн Ҳанбалдан:

– Сиёҳдонингиздан ёзиз турай, – деб изн сўради.

– Ёзавер, – дедилар имом Аҳмад. – Бу зулматли совуқ тақво.

Сўнг бошқа бирорга дедилар:

– Менинг тақвоим ҳам, сизнинг тақвоингиз ҳам бу даражага етмаган».

Аҳмад ибн Ҳанбал ўзларини паст олиб, тавозеъ билан шундай дедилар:

«У кишининг ўзлари биродарларининг сиёҳдонидан ёзмасдилар. Аслида Аҳмад ибн Ҳанбал шундай тақво қилишга ҳақли эдилар. Бироқ дини, Исломи комил бўлмаган, тақво мақомида юксалмаган кишиларни бундан қайтарардилар».

5. «Ростгўйлик хотиржамликдир, ёлғончилик эса саросимадир».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юкоридаги мазмунда ворид бўлган ҳадислари имом Термизийнинг ривоятида келтирилган. Киши бирор нарсанинг жавобини билишни истаса, фақат рост ва аниқ-тиниқ сўзни изласин. Ростгўйлик омонати шуки, қалб ундан хотиржамлик туяди. Ёлғонни эшитганда эса қалб хижил бўлиб, шубҳа-гумонга тўлади.

6. Мўминлар ҳаётларини фақат аниқ ишончили асослар устига қурмоқлари лозим.

7. Ҳалоллик, ростгўйлик ва ҳақиқат ҳамиша хотиржамлик ва розилик олиб келади. Ҳаром-ҳараш, ботил ва ёлғон фақат шубҳа, гумон ҳамда изтироб олиб келади.

Доктор Аҳмад ал-Ҳажжий ал-Курдий.

«Зийнат» («Тазийн») луғатда кийим борасида ясанишни англатади. Бунга турли тақинчоқлар билан безаниш, сурма, ҳинно қўйиш ва бошқа безак анжомларидан фойдаланиш ҳам киради. Бу Розий раҳматуллоҳи алайҳининг айтган қавли бўлиб, у киши Аллоҳ таолонинг «Эй Одам болалари! Ҳар бир ибодатда зийнатларингизни олинг» (*Аъроф сураси, 31-оят*) деган сўзи тафсирида: «Эркакларга тилла ва ипакнинг ҳаром қилинишида насс во-рид бўлмаганида, у иккиси ҳам шу жумлага кирап эди», деган. Буни Юнус сурасида келган Аллоҳ таолонинг «Мусо: «Роббимиз! Сен Фиръавнга ва унинг аъёнларига дунё ҳаётида зеб-зийнат ва мол-дунё бердинг...» деди» (*88-оят*) деган сўзи қўллайди. Мана шундан ўша даврда мисрликларнинг бир байрами ҳам «Зийнат куни» деб аталган. Аллоҳ таоло Тоҳа сурасида: «У (Мусо): «Ваъда вақтингиз зийнат куни. Одамларнинг чошгоҳда тўпланиши», деди» дея марҳамат қиласи (*59-оят*).

Одамлар асосан мана шу куни ўзларидаги энг яхши либос ва бошқа нарсалар ила зийнатланишгани учун Аллоҳ таоло кийим-кечақдан бошқа тилла, жавоҳир каби нарсалар ила безанишни ҳам «зийнат» деб атаган. Шунингдек, тананинг алоҳида аъзоларига нисбатан ҳам «зийнат» сўзи ишлатилган. Аллоҳ таоло: «Эрларидан... бошқаларга зийнатларини қўрсатмасинлар», деган (*Нур сураси, 31-оят*). Аксар муфассирлар: «Бундан мурод бўйин, билак ва болдир каби аъзолардир», дейишган.

Инсонлар орасидаги ўзаро алоқаларнинг ўсиши ва ривожланишида, ораларидаги меҳр-муҳабатнинг мустаҳкамланиб боришида зийнат алоҳида роль ўйнайди. Албатта, инсондаги нафс хунук нарсаларни хоҳламайдиган, гўзалликни севадиган қилиб яратилган. Демак, у хунук нарсалардан нафратланади ва гўзал нарсаларни яхши кўради. Табиийки, барча инсонлар ҳам гўзалликда олий даражада эмаслар. Албатта, уларнинг орасида кўримсиз, ташки кўриниши у даражада чиройли бўлмаган, баъзи аъзолари нуқсонли, майиб-мажруҳлари ҳам бор. Баъзи инсонлар эса куйиш ёки бирор табиий ҳодиса туфайли ташки гўзалликларини йўқотишлари, яна баъзилар эса теридаги яра, турли тошмаларга ўхшаш халқий нуқсонларга учрашлари мумкин. Шунингдек, ҳаёт давомида касб-хунар, жисмоний меҳнат, турли машаққатлар сабабли ташки кўриниши нуқсонга учраган, чиройини йўқотган кишилар ҳам бор. Баъзан оғир меҳнат,



зарарли ишлаб чиқариш, иш шароитининг ноқулайлиги кабилар ана шундай натижаларга олиб келади. Бу каби омиллар эса бошқа кишиларнинг улардан ўзини олиб қочишига, узоқлашишига сабаб бўлиши мумкин. Ушбу холатда уларнинг ўрталарида дўстлик ўрнига адоват, рағбат ўрнига нафрат ўрин олади. Натижада жамиятдаги бирдамликка, ўзаро ахилликка зарар етади.

Шунинг учун ҳам Ислом зийнат борасида қўп иноят кўрсатган ва бандаларга ҳар намоз вақтида (Аллоҳнинг муҳаббати ва итоатига жамланишда) зийнатланишга насс ила амр қилган. Аллоҳ таоло айтади: «Эй Одам болалари! Ҳар бир ибодатда зийнатларингизни олинг». Балки Ислом ҳар бир мусулмон ва муслимага баъзи зийнатларни вожиб қилган. Яъни ушбу амрларга бепарво бўлган, унга енгил қараган бандалар Аллоҳнинг газаби ва иқобига учрайди. Бу эса ҳар бир инсон учун зарурий бўлган зийнат турларига қанчалик аҳамият берилганини кўрсатади.

Улардан:

а) Авратни тўсиш. Албатта, бу ҳар бир мусулмон ва муслимага фарзидир. (Эркак ва аёл орасидағи аврат чегарасидаги ихтилофга кўра) намознинг ичида ва ундан ташқарида аврат намоз шартларидан биридир. Усиз намоз тўғри бўлмайди. Ким авратини кўрсатиб намоз ўқиса, намози ботил, яъни худди намоз ўқимагандек бўлади. Ким намоздан бошқа пайт уни одамларга кўрсатса, унга таъзир берилади, одоб ўргатилади. Бундай кимсанинг гуноҳлиги соқит бўлади, Аллоҳнинг иқобига учрайди.

Авратни тўсиш маданият, тараққиёт ва ривожланишнинг белгиларидан биридир. Уни кўрсатиш эса ибтидоийлик, орқага қайтиш ва қолоқликка ишорадир. Жоҳилият даврида мушриклар Байтни яланғоч тавоф қилишарди. Бу билан улар Аллоҳга қурбатни даъво қилишарди. Аллоҳ таоло уларнинг бу ишларини қоралаб, уларни Байтни тавоф қилишдан ман этди ва шундай амр қилди: «**Албатта, мушриклар нажасдирлар, бас, ушбу йилларидан кейин Масжидул Ҳаромга яқин келмасинлар**» (*Тавба сураси, 28-оят*).

Яна юкорида айтиб ўтилганидек, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони каримда буюради: «Эй Одам болалари! Ҳар бир ибодатда зийнатларин-



гизни олинг». Аксар муфассирларнинг таъкидлашларича, бу ерда «зийнат»дан мурод зийнатнинг асли, яъни кийим борасида ясанишdir, у эса авратни тўсишни англатади.

б) Эркакларни хатна қилиш. Бу ҳар бир мусулмонга вожибdir. Ким уни тарк этса, гуноҳкор бўлади. Чунки бу ишда очик фойда бор.

в) Аёл кишининг эри учун зийнатланиши (агар эри буни талаб қилса). Эркак ҳаромга юришдан сақланиши, нафсини иффатли асрashi учун унинг аёлига зийнатланиш вожиб бўлади. Чунки бу эр-хотин ўртасидаги муҳаббат, мустаҳкам бирлика сабаб бўлувчи омилларданdir. Агар эркак киши аёlinи зийнатланишга мажбурласа-ю, аёл хилоф қилса, охиратда Аллоҳ таолонинг олдида гуноҳкор бўлади, дунёда эса укубатга, таъзирга ва одоб беришга лойик бўлади. Аёлларимизчалик бундан ғафлатда қолганлар борми?

г) Жунублик, ҳайз ва нифосдан сўнг ғусл қилиш. Бу Ислом динидаги фарз амаллардан бўлиб, у намоз ўқиш, Қуръон қироат қилиш, масжидга кириш ва Мусҳафни ушлашнинг шартларидан биридир.

д) Ҳар бир намоз вақтида (агар кичик бетаҳоратлик ўтган бўлса,) таҳорат қилиш ҳам фарз амаллардан, намознинг шартларидан биридир.

«Ислом фиқҳидаги аёлларга оид ҳукмлар» китобидан.

Одинахон Мұхаммад Йосуф таржимаси.

МУСИБАТХОНА

ОДОБИ

Яқинларининг ўлими сабабли йиги, Исломда буюришишича, овозсиз, кўз ёши билан бўлиши керак. Баланд овоз билан бақириб йиғлаш, ёқа йиртиши кабилар Исломда йўқ. Ҳазрати Расул алаиҳиссалом фарзандлари Иброҳим вафот этганида кўзларида ёш билан: «Албатта, кўз ёш тўқади, қалб маҳзун бўлади, аммо Роббимизни рози қиласиган нарсадан бошқани айтмаймиз. Албатта, биз сенинг фироқингдан жуда маҳзунмиз, эй Иброҳим», деган эдилар.

Бу сўзлар биз умматлар учун Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг таълимотларидир. Ҳозирга келиб халқимиз орасида бошга мусибат тушганда аёлларнинг тобут атрофида туриб олиб дод солишлари, куфр сўзларни айтиб бақир-чақир қилишлари, майитни қабристонга кузатаётуб, ҳушларидан кетишлари, қизларнинг «Отамни ёки онамни бермайман», «Кўмишга йўл қўймайман!» деб туриб олишлари, тобут кўтарилиганда ҳамма хотин-қизларнинг дод солганча тобут орқасидан югуришлари – буларнинг ҳаммаси жоҳилият замонидан қолган одатлардир. Бундай «саҳна»ларни кўрганда беихтиёр ўзингизни ўша даврга бориб қолгандек ҳис қиласиз.

Шундай бидъат-хурофотлар борки, улар мусулмонман деб юрган бизнинг халқимиздан собит бўлиб тургани нихоятда ачинарлидир. Шундай кишилар борки, вафот этган кишининг пиёласида чой берсангиз, ичмайди, косасида ов-

қат берсангиз, емайди, ҳатто мурда ётган уйда ўзи ётишга қўрқади, ҳазар қиласи. Мурда четда қолиб кетиб, унинг яқинлари орасида маъракани ким ўтказиши, кетадиган ҳаражатларга ким пул сарфлаши хусусида тортишувлар бошланади.

Таъзия маросими, яъни аза бўладиган жойни ўлик чиққан ҳовлидан бошқа ҳовлига кўчирадилар. Одам бир жойда ўлади, аммо азаси ҳамма жойга кўчиб юради. Агар бундан мақсад дуои фотиха бўлса, бир уйга йиғилсалар, маҳалландан уч-тўртта мўйсафидлар, баъзи қариндошлар тўпланиб тиловат қиласалар, жуда яхши, қайтага савобли иш бўлади. Лекин шундай бўлса қани эди!

Таъзия маросимини ўтказиш мумкин, лекин қачон ва қаерда? Агар вафот этганларнинг яқинлари у шаҳардан бу шаҳарга келолмаса, ноилож майитнинг ўша шаҳарда яшовчи ўғли ёки акаукаси ўша шаҳарда туриб дуойи фотиха қиласи,

кўни-кўшни, маҳалла аҳли келиб, таъзия билдириша-ди. Аммо ҳозирда қилинаётган таъзия маросимлари на шариатга, на одамийликка тўғри келмайди. Дарёнинг бу тарафидан у тарафиға, у шаҳардан бу шаҳарга таъзия билдириш учун йўл юриш, бехуда пул сарфлаш, ортиқча харажатдир. Аллоҳнинг Пайғамбари айтадилар: «Хурофот ақлни тўсиб турувчи пардадир». Ислом дини сусайдими, хурофот авж олади, хурофот жўшurdими, ақл кўзини парда босади, ақлки пардага ўралдими, Ислом ҳақиқати ёпиқлигича қолади.

Фарзандлар, дўйстлар ва яқинларга ҳар бир банданинг бошига тушиши шубҳасиз бўлган ўлим ва ундан сўнг қилинадиган ишлар хусусида тез-тез панд-насихат қилиб туриш лозим. Айниқса фарзандларимизга ота-онасининг ўлимидан сўнг уларнинг рухига Куръон тиловат қилиб туришлари, дуолар қилиб, Аллоҳдан ота-онасини мағфират қилишини сўраб туришлари лозимлигини ўргатиб, сингдириб бориш ҳам ота-онанинг бурчларидандир. Яна тириклика ўзидан кейин қолган мол-дунё – ҳовли-жой, пул ва буюмларни фарзандлар ўртасида тақсим қилиш ўлимдан кейин фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг яхши бўлишида муҳим омил-

дир. Токи, мол-дунё фарзандларнинг ажралиб кетишига сабабчи бўлмасин.

Иймон ва Ислом аҳлидан бирортасининг Ҳаққа жон таслим қилиши унинг яқинлари учун катта йўқотиш бўлади. Хонадон аҳллари, қариндош-уруғлар, маҳалла аҳллари уч кун аза тутадилар. Жанозани, дағн маросимини тезлаштириш шариатимиз буюрган амрлардандир. Маййитнинг яқинлари уч кун мобайнида имкон борича тириклилик ишларини тарқ этиб, хурсандчилик қилмайдилар, ҳаммалари ўтганнинг ҳаққига истиғфор айтиб, намоз ўқиб, Куръон тиловат қилиб турадилар. Бу уч кун ичida мусибатхонада таом пиширилмайди.

Бинобарин, «Жаъфарнинг ўлими хабари келганда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаъфарнинг аҳлига таом қилиб беринглар. Чунки уларни машғул қиласиган нарса келиб қолди», дедилар» (Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган).

Бундан маълум бўладики, мотам кунларида мусибатхонада дастурхон тузаш ва келганларга таом улашиш макруҳ бидъатдир.


Мирзо Абдуллоҳ Мирзо Калонзода



Бурунга балдок тақиши хусусида

Савол: Айрим қизлар бурунларини ҳам тешиб, балдок тақиб олишяпти, шу жоизми?

Жавоб: «Раддул-мухтор» ва «Нафъул муфти» китобларида аёлларга қулоқлари каби бурунларини ҳам зийнат (тақинчок) тақиши учун тешишлари жоизлиги айтилган.



Рўза пайтида сақич чайнаш хусусида

Савол: Бир қариндошимизнинг рамазон пайтида бемалол сақич чайнаб юрганини кўрдим. Сўрасам, «Сақич чайнагандар рўза очилмайди», деди. Шу тўғрими?

Жавоб: Аввал чайналган, яъни мазаси кетиб қолган оқ сақич чайнаш рўзани бузмайди, лекин бу макруҳдир. Агар у сақич аввал чайналмаган ёки қора бўлса, рўза бузилади. Чунки унинг баъзи бўлаклари қоринга киради.

Рўзадор бўлмаган аёлларга табиий сақич чайнаш макруҳ эмас. Чунки сақич аёллар учун тиш тозалаш воситаси ўринидадир. Эркак кишиларга сақич чайнаш макруҳдир.

Махр хусусида

Савол: Эр хотинига маҳрга деб нимадир ваъда қилса-ю, лекин маълум вақтдан кейин ҳам олиб бермаса, никоҳ ҳалол бўладими?

Жавоб: Турмуш қурмоқчи бўлганларнинг никоҳи дуруст бўлишининг шарти шундай: аёл киши икки эркак ёки бир эркак ва икки аёл хузурида эшиттириб «Тегдим» ёки «Ўзимни бағишлидим», дегач, эр «Қабул қилдим», дейиши лозим. Бу сўзлар бир жойда айтилиши ва уни гувоҳлар ҳамда турмуш қурмоқчи бўлаётганларнинг ҳар бири эшитиши керак.

Никоҳдан сўнг эр аёли билан бўлгач, маҳрни нақд бўлса, бериши вожиб бўлади. Агар бир муддат белгилаб, насия қилган бўлса, муддати келгач, бериши лозим. Агар эр ваъдасини бажармай, маҳрни пайсалга солса, никоҳ бузилмайди, аммо аёл ўзидан эрининг баҳра олишига рухсат бермасликка ҳақли бўлади («Фатавои Ҳиндия»).

Тоқ ўтиш мумкинми?

Савол: Айрим кишилар турмуш қуришга имкониятлари бўлатуриб, негадир тоқ ўтишади. Бу ҳақда динимизда қандай кўрсатмалар бор?

Жавоб: Шаръий ва тиббий монеъликлар бўлмаган ҳолда тоқ ўтиш ножоиздир. Факирларни жуфтлаш бой мусулмонларнинг бурчидир. Бу нарса ифратли ва номусли ҳаёт кечиришнинг ягона йўли бўлиб, жамиятни ахлоқизликдан муҳофаза қиласди. Қуръони каримда шундай дейилади: «Ораларингиздан никоҳсизларни ва кулу чўриларингиздан солиҳларини никоҳлаб кўйинг. Агар фақир бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой килур. Аллоҳ қамрови кенгdir, ўта билувчидир» (*Нур сураси, 32-оят*). Бу ояти жалиладан мурод Ислом жамиятида узрсиз бўйдок ва бевалар бўлмасин, жинсий истаклар фақат шаръий йўллар билан қондирилсин, демакдир. Ҳазрати Умар роziyяллоҳу анху шундай дейилар: «Уч кундан кейин ўлишимни билсан ҳам, бўйдок ўтишдан кўра уйланишни афзал кўраман» (*Суютий*).



«Иссик-совуқ» қилиш жоизми?

САВОЛ: Аёл эрининг муҳаббатини тиклаш учун «иссиқ-совуқ» қилиши мумкинми?

ЖАВОБ: «Муҳаббат қозониш учун ҳам, ўртага совуқлик солиш учун ҳам «иссиқ-совуқ» қилиш ҳаромдир» (*«Фатавои Ҳаммодия»*).

«Нафъул муфти» номли китобда: «Эрининг муҳаббатига «иссиқ-совуқ» қилиш билан эмас, Аллоҳ таолодан қўрқиши билан эришилади», дейилади. Дарҳақиқат, эр-хотин бир-бирлари олдидаги бурчларини тўла адо этсалар, ҳеч бир ҳолда ўрталаридаги муҳаббатга халал етмайди.

«Зикр аҳлидан сўранг» саҳифасидан олинди.

ХАДИЖА БИНТИ ХУВАЙЛИД

Хадижса онамиз Пайгамбаримиз соллаллоху алаихи васалламнинг биринчи аёллариидир. У зот алаихиссалом бошқа аёлларига Хадижса онамиздан кейин уйланганлар. Хадижса онамиз баланд бўйли, ақлли, нихоятда гўзал ва қатъиятли аёл эдилар. У киши Пайгамбаримиз соллаллоху алаихи васаллам билан учрашгунларига қадар ҳеч кимга ўзларининг бойликларини ва тақдирларини боғламаганлар. Хадижса онамизнинг вафотларидан сўнг Пайгамбаримиз соллаллоху алаихи васалламнинг ҳеч бир аёллари у зотнинг қалбларида Хадижса онамиздек жой эгалламаган.

عَنْ عَلِيٍّ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ يَقُولُ:
 خَيْرُ نِسَائِهَا مَرِيمٌ بِنْتُ عِمْرَانَ وَخَيْرُ نِسَائِهَا حَدِيجَةُ بِنْتُ حُوَيْلِدٍ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالْتَّرمِذِيُّ.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
 «Расууллоҳ соллаллоҳу алаихи васалламнинг «Дунё аёлларининг энг яхшиси Марям бинти Имрондир. Дунё аёлларининг энг яхшиси Хадижса бинти Хувайлиддир», деганларини эшийтдим».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.
 Хадижса бинти Хувайлид ибн Абдулуззо ибн Кусой Курашийя Асадийя «Фил воқеаси»дан ўн беш йил илгари Маккада, эътиборли оиласда таваллуд топган. У киши (бизнинг диёрларда Хадича деб аталса-да, асли исмлари Хадижадир) Курайшнинг олди қизларидан бўлган. Ўша вақтдаги урф бўйича, фозила қизни тарбиялаб, вояга етказиш учун нима зарур бўлса, Хадижса бинти Хувайлид учун ҳам барчаси муҳайё қилинди.

Ўн беш ёшга тўлганида уни турмушга узатишиди. Келинчак эри Абу Ҳола ибн Зурора Тамимиининг ўша вақтдаги эркаклар ичидаги энг юқори мақомлардан бирини олиши учун жонжади билан тиришиб, тиним билмай ҳаракат қилди. Хадижса бинти Хувайлид ўз оиласининг ўша юртдаги энг обрўли оиласардан бири, ўзи аёлларнинг сараси, эри эса эркакларнинг пешвоси бўлишини жуда-жуда хоҳлар эди.

Аммо бу уринишларнинг барчаси пучга чиқди. Хадижса бинти Хувайлид ҳар қанча уринмасин, ниятига етиша олмади. Шон-шарафли оила қилиш ниятида куйиб-ёнаётган ёш келинчакнинг эри Абу Ҳола қазо қилиб, бева қолди.

Хадижса бинти Хувайлидга ўхшаган оқила, фозила аёллар кўпчиликнинг эътиборидан чет-

да қолиши мумкин эмас эди. Қурайшнинг ашрағидан бўлмиш Атиқ ибн Обид ибн Абдуллоҳ ал-Махзумий Хадижа бинти Хувайлидга совчи қўйди. Иккинчи тараф рози бўлди.

Хадижа бинти Хувайлид иккинчи эридан фарзанд ҳам кўрди. Аммо оиласвий ишлари кўнгилдагидек бўлмай, оила бузилди.

Шунга қарамай, Хадижа бинти Хувайлид эрсиз, ўзи ёлғиз ҳолида Қурайш аёллари ичига энг обрўли аёл бўлишга эришди. Йигирма беш ёшларида Қурайш аёлларининг саййидаси бўлди.

Хадижа бинти Хувайлид олий ҳимматли, ҳасос табиатли, дунёқарashi кенг, диндор ва покиза аёл бўлиб, Аллоҳ таоло у кишига яна кўплаб яхши сифатларни инъом қилган эди. Хадижа бинти Хувайлид қурайш аёллари ичига Тоҳира (Покиза) деб ном олган эдилар.

Хадижа онамиз савдогарларга маблағ бериб, савдолари учун мол олиб келтираср эдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўғрисўз ва ишончли эканликлари ҳақида ҳабар топгач, уларга тижорат учун катта маблағни ишониб топшириб, Шомга жўнатдилар. У зот Хадижа бинти Хувайлиднинг ғуломи Майсара билан йўлга чиқиб, Шомга бордилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтгач, Хадижа розияллоҳу анҳо катта даромадга эга бўлдилар. Бундан ҳам афзали Майсара кўрган мўъжизалар бўлди (Айрим уламоларнинг айтишларича, бу мўъжиза икки фариштанинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни куёш нурларидан тўғсанликларидир). Хадижа розияллоҳу анҳо дугонаси Нафиса бинти Манияни у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида улар билан турмуш қуриш истаклари борлигини билдириш учун юбордилар ва улар турмуш қуришди. Бу вақтда Хадижа розияллоҳу анҳонинг ёшлари ўттиз тўққизда, пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшлари эса йигирма бешда эди.

Хадижа розияллоҳу анҳо вафотларига қадар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни кўллаб-қувватладилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларни Исломга даъват қилганларида, душманлардан химоя қилдилар, энг қийин вазиятларда ёнларида бўлдилар.

Хадижа онамиз Исломни биринчи қабул қил-

дилар ва бор маблағларини Ислом манфаати учун сарфладилар.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни аёлларидан рашқ қилмадим. Фақатгина Хадижадан рашқ қилдим. Мен уни кўрмадим ҳам. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон қўй сўйсалар, «Хадижанинг дугоналарига юборинглар», дер эдилар. Бир куни у зотнинг ғазабларини чиқариб:

«Хадижа!» дедим.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, менга унинг муҳаббати берилган», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишиган.

Хадижа розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Иброҳим исмли ўғилларидан бошқа барча фарзандларининг онасирид. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Қосим, Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсум, Фотима, Абдуллоҳ исмли фарзандларни ҳадя қилганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғил фарзандлари ёшлиқ чоғларида вафот этган. Қиз фарзандлари эса пайғамбарлик даврларида Исломни қабул қилиб, Маккадан Мадинага хижрат қилишган. Фотима онамиздан бошқалари у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлик чоғларида вафот этишган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Абу Толибининг вафотларидан сўнг Хадижа розияллоҳу анҳо ҳам вафот этганлар.

Аллоҳ таоло Хадижа бинти Хувайлид розияллоҳу анҳодан рози бўлсин!



ҚИЗЛАРИМ, ОНА ҚИЗЛАРИМ...

(Фарбнинг усти ялтироқ, аммо ичи даҳшатли қабиҳ «ҳаёт тарзи»га ишиқбоз айрим «замонавий» рус қизларига очиқ мактуб)

*...Устига шаффоғ топик билан
на мини юбка, на «макси-пояс»
деб бўлмайдиган нарсани илиб
олган... қизгина, қаёққа шо-
шиласан, нимани қидиряпсан?
Тўхта, ҳали кеч эмас, тўхта!
Үйингга қайт, ўзлигингга қайт.
Сен бошқача ҳаёт учун, бошқа
мақсад учун яратилгансан!*

Кўз олдимда турибсиз: нозик, бокира, энди куртак ёзаётган навниҳолсиз. Навбаҳорнинг биринчи нишоналари, эндинга 12-13 га ки-рибсиз... Ҳаётга эндинга қадам қўймоқдасиз. Бироқ баъзи тенгдошларингиз аллақачон ҳаётдан қўз юмганлигини биласизми? Балофат ёшига етаётган қизларда ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кўпайиб бораётган экан. Ҳали жавобсиз севги, ҳали хиёнат, ҳали севган кишисининг ўлими, ҳали оиласдаги ташвишлар – буларнинг барчаси ёшгина қизларни тўққизинчи қаватдан ўзини ташлашга ёки бир кути дорининг ҳаммасини бирданига ичиб юборишга мажбур қилаётган эмиш...

Қизларим, она қизларим...

Хозир сизнинг мурғак вужудингизда энг буюк мўъжиза – аёллик табиати шаклланмоқда.

Бироқ замоннинг талаби ва модани деб сиз уни нобуд қиласиз. Сиз ҳозир қаҳратон қищда ҳам мода деб кийиб юрган кийимлар (агар уларни кийим дейиш мумкин бўлса) баданингизни совукдан, изгирин шамоллардан ҳимоя қила олмайди.



Бир неча йиллардан кейин эса гинеколог кичик тос суяги атрофида сурункали шамоллаш давом этиб келганини, энди даволашга кеч бўлганлигини айтиб қолиши мумкин, Худо кўрсатмасин... Тўғри, шифокор сизни даволашга ҳаракат қилиб кўради, бироқ бугунги тиббиётнинг энг замонавий технологияларига қарамай, кўпчилигингиз энди ҳеч қачон она бўла олмайсиз...

Қизларим, она қизларим!

Балофат ёшида қалбинингизга илк севги меҳмон бўлади. Меҳмон бўлса, марҳабо, бу гўзал туйғу барчангизга муборак бўлсин! Ҳақиқий севги инсонни маънавий ва руҳий камолотга етаклайди, бироқ бу нарса биз айтган ана шу ҳақиқий севгимикан? Агар бу нарса юзаки эҳтирос бўлиб, «зерикарли кунлар»ни қизиқроқ ўтказишга ҳавас бўлса-чи?

Агар бу «туйғу» сизни алдаб, севги деган нарсамиз патологик шаҳватга айланиб кетса-чи? Бу нарсани тўхтатиб қолиши мумкинми? Бундай вазиятларда кўпинча тормозлар ишламай қолади. Кўнглингизга ўрнашиб қолган нарса учун ҳамма нарсага рози бўлиб қолганингизни сезмай қолсангиз-чи?..

Уни қор-ёмғирга қарамай, соатлаб йўлак олдида кута оласиз, унинг бир оғиз таклифи билан энг

калтис чегараларни бузиб ўта оласиз: дискотекага борасиз, папирос чекиб күрасиз, алкогол, наркотикларни татиб күрасиз, энг дахшатлиси, энг мұқаддас нарсани – ўзингизни унга бағишлайсиз. Кейин эса... Кейин эса унга керак бўлмай қоласиз.

Қўнғироқларингиз, СМСларингиз жавобсиз қолади, кўчада кўришиб қолсангиз, қаергадир шошиб турган бўлади... Хуллас, сиз унинг жонига тегибсиз, у сиздан бир амаллаб қутулмоқчи! Севги-муҳаббатингиз, эҳтиросларингиз фойдасиз, асоссиз бўлиб чиқади. Аслида ҳам ҳеч гап йўқ эди! Уни сиз ўзингиз бўрттириб, бўяб, кўз кўз қилган эдингиз!

Ана энди бу оғир вазиятдан чиқиш йўлларини қидириб қоласиз.

Табиатан қизиққон, ўжар, сиркаси сув қўтармайдиган қизлар шартта ўз жонига қасд қиласидилар – ўзларини машина остига ташлайдилар, томирларини қирқадилар, ҳандорилар ичадилар. Баъзилар артистлик қилиб, ўзини жонига қасд қилган қилиб ҳам кўрсатади, ота-онасини ва айниқса ўша йигитни қўрқитиб, эътиборини қаратишга уринади: «Ишқилиб, у қайтиб келса бўлди...» Лекин жон ширин... Баъзи қизлар газеталарга дардини тўқади. Уларда бевафонинг исмидан фақат бош ҳарф ёзилган бўлади, қолгани эса деярли бир хил.

Афсуски, бундай пайтларда «бевафо»лар отонага қараганда анчагина хотиржам бўлишади, «ўз жонига қасд қилиш» ҳоллари қайта-қайта такрорланса ҳам, «йигит ўлгур» ҳеч қайтавермайди. Қиз эса ҳали психотера-певтга, ҳали психиатрга қатнай бошлайди. Афсуски, дарз кетган руҳият билан энди ҳақиқий, тўлақонли ҳаётни бошлаш жуда қийин кечади.

Минг афсуски, баъзан алданган қизларнинг нафратга тўла қалбларида ўч олиш мақсади аланга олади. Бу даҳшатни қарангки, ҳаётни давом эттириш учун яратилган бўлажак она «менга бўлмаса, ҳеч кимга бўлмасин» қабилида кимнингдир ҳаётига якун ясашга қарор қиласи. Оқибатда кимдир ҳаётдан кўз юмади, кимдир эса бир неча йилларни вояга етмаганлар колониясида ўтказиб келади... Бундай ўтмиш билан янги ҳаёт бошлашнинг нақадар қийинлигини айтиб ўтириш шарт бўлмаса керак.

Бироқ бу вазиятдан чиқишининг яна бир уятли, шармандали йўли ҳам учраб туради: Бир кў-

шиқда айтилганидек, «Сочимдан кўп ошиғим, сен бўлмасанг, бошқаси». Сенга керак бўлмасам, бошқа биттасига керак бўлиб қоларман... Бу «вариант»га жавоб ҳам тезгина топила қолади.

Бу «вариант»да йигитларга сиздан нима кераклиги аниқ бўлиб турса ҳам парво қилмайсиз, ўч олсангиз бўлди, муҳими – «йигитингиз» бор. Бироқ, энг ёмони шуки, буниси ҳам ташлаб кетса, яна бошқаси топилади, кейин яна бошқаси, кейин яна... «Қўлмақўл» бўлиб кетасиз. Балки ўйнаб-кулиб яшаш, яхши еб, яхши кийиш учун фақат тўшак талаб қилинади, деб ўйларсиз, лекин бу ширин ёлғон! Аччиқ ҳақиқат борлигини тан олмай иложингиз йўқ.

Наркологик клиникалар ёки тери-таносил қасалликлари диспансерлари ана шу ширин ёлғонга алданган йигит-қизлар билан тўлиб-тошиб ётиди. Сизни у ерда даволатиш ота-онанинг чўнтағига ҳам, соғлиғига ҳам қақшатқич зарба беради. Бундай стационарларнинг ичига кириб-чиқиб юришнинг ўзиёқ руҳиятингизда оғир асорат қолдиради.

Қанийди, ҳаммаси шу билан тугаса... Бетартиб жинсий ҳаёт кечириш бундан ҳам оғир оқибатларга олиб келади. Сизга ўхшаган қанчадан-қанча қизлар abort қилдиришга келадилар. Вояга етмаган қизлар ўртасида abort қилдирганлар сони ҳеч қайси статистика маълумотларида аниқ берилмайди. Бунинг иложи йўқ. Баъзи хусусий клиникаларда эса на исмингизни, на ёшингизни сўрашади. Уларга пул бўлса бўлди.

Шифокор abort қилдиришга келган қизларнинг тахминан ўндан бирига рад жавобини беради, яъни abort қилдиришга кеч бўлган ёки бу она ор-ганизми учун хавфли бўлади. Она бўлиш ҳар бир аёл учун баҳт бўлса-да, юкоридаги холатда фарзанд кўрган ёш оналарни ҳам, улардан туғилажак бегуноҳ болаларни ҳам баҳтли дея олмаймиз. Кимдир тақдирнинг бу оғир синовидан тўғри хулоса чиқариб, тўғри йўлни танласа, тавба қилиб, гуноҳини ювишга интилса, хўп-хўп. Лекин бунинг акси бўлиб чиқса-чи?

Баъзиларингиз шифокор рад қилса ҳам, abort қилишини талаб қилиб туриб оласиз, баъзиларингиз уй шароитида бошқа «халқ» воситаларини қўллаб кўрасиз... «Исталмаган» ҳомиладан қутулмоқчи бўласиз... Баъзан бунинг уддасидан ҳам чиқасиз. Аммо кўпинча кечиккан abort она-нинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин, яна бу иш-

нинг жинои жавобгарлиги ҳам бор. Энг даҳшатлиси шуки, ҳомила қорнидалигига ундан кутула олмаганлар ичидаги туғилган заҳоти ўзи ўлдирадиганлари ҳам бор!!! Бу гуноҳнинг нақадар оғирлигини айтишга тил ҳам бормайди.

«Омади келмай», аборт қилдира олмаганлар турли воситалар билан ҳомиласидан кутуламан деб ҳали туғилмаган мурғак чақалоқни майбемажрух қилиб қўядилар. Нимжон, ногирон, тани носоғ, ақли заиф туғилган болаларнинг кўпчилиги ана ўшундай она деб номлашга нолойиқ кимсалардан туғиладилар.

Яна баъзилар болани туғиб, уларни ё отонасига (хар тугул), ё давлатнинг қарамоғига ташлаб кетиб, «тирик етим»ларнинг сонини кўпайтирадилар.

Қизларим, она қизларим...

Юзингиз илк қордек беғубор, тоза бўлса ҳам, косметикага бир дунё пулни сарфлаб юборасиз. Косметик воситалар зарарли бўлади, демоқчи эмасмиз. Бироқ юқори сифатли, фойдали, ҳакиқий косметика маҳсулотлари жуда қиммат бўлади. Сиз эса уларнинг энг арzon ва сизга энг зарарлисини сотиб оласиз.

Ойдек юзларингиз помадалар, бўёқлар, ранглар таъсири остида нобуд бўлади. Уруш сўқмоғига чиққан ҳиндулар ҳам сизчалик бўянимагандир... Энг сўнгги модада турмаклатаман деб, турли геллар, мусслар, лаклар билан сочингизнинг асл чиройини йўқотгансиз, кимёвий воситалар билан аёвсиз ишлов берилган бу соchlар энди ҳеч қачон асл ҳолига келмаса керак.

Эҳ, қанийди, аёлларда тери саратони касаллиги қанчалик кўпайиб кетганини, бу касаллик асосан



эркакларда эмас, аёлларда учрашини, унинг асосий сабаби эса ҳаддан ташқари кўп ишлатилган сифатсиз косметика эканлигини билсангиз эди.

Қизларим, она қизларим...

Қандай килиб бу йўлга кириб кетдингиз ахир! Бошида ҳаммаси яхши кетаётган эди-ку... Йўқ, сиз ҳаммасини билардингиз, билиб туриб, ҳақиқатга тик қарагингиз келмади.

Эсингизда бўлса, синфингизда бир қиз бўларди, камтаргина, жимгина юрарди, яхши ўқирди, дискотекаларга бормас, йигитлар билан ортиқча гаплашмас, ичқиликнинг яқинига йўламас, ҳатто чекишига ҳам қизиқмас эди. Унинг ҳаёти сиз учун зерикарли туюлар, «Ҳеч нарса мумкин эмас экан-да», деб унинг устидан кулардингиз...

Ҳар доим узун кўйлак кийиб, рўмол ўраб юрадиган бу қиз ўзини қанчалик четга тортса, сиз шунчалик унга тегажоғлик қилардингиз. Йигитларнинг унга ҳурмат билан, ҳатто бир оз хайиқиб муомала қилиши эса сизнинг ғашингизга тегарди. Ҳа, тан олишга мажбурсиз, йигитлар очиқ-сочиқ юрадиган, дуч келган йигит билан тап тортмай гаплашиб кетаверадиган қизларга унчалик эътибор беришмайди, чунки уларга етишиш қийин эмас. Кўзга кўринмас ибо пардасига ўралган, эркак кишига тик қарамайдиган қизлар эса худди сув остидаги марварид каби ноёб ва қимматбаҳодирлар.

Ўша қиз мактабни аъло баҳоларга битирди, олий маълумот ҳам олди, ўзига муносиб ишга ҳам кириб олди. Ҳозир у турмушга чиқиб кетган, турмуш ўртоги билан соғлом болаларини етаклаб, тез-тез ота-онасиникига келиб туради...

Қизларим, она қизларим...

Компьютерда сиз ўқиётган ушбу сатрларни ёзар эканман, деразадан пастга қарадим. Сизга ўхшаш қизлардан бири, балоғат ёшига етиб қолган қизгина тротуардан шошиб кетиб бормоқда. Устига шаффоғ топик билан на мини-юбка, на «максипояс» деб бўлмайдиган нарсани илиб олган.

Қизгина, қаёққа шошиласан, нимани қидиряпсан? Тўхта, ҳали кеч эмас, тўхта! Уйингга қайт, ўзлигингга қайт. Сен бошқача ҳаёт учун, бошқа мақсад учун яратилгансан! Сен баҳти бўлишинг керак!

Қизларим, она қизларим...

Фотима Манзур
Рус тилидан Абу Муслим таржимаси

ВАЗИРНИНГ ИСЛОМГА КИРИШИ

Бухоролик олим – муҳаддис, фақиҳ Абдуллоҳ Субазмуний (ваф. 340/952 й.) ўзининг «Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа» (бу асар ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланади) асарида турли олимлар, Бухорода яшаган ва фаолият олиб борган кўплаб муҳаддислар қатори, Абу Ҳузайфа Исҳоқ ибн Бишр (ваф. 206/821 й.) ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтган. Унинг «Ал Мубтадо» номли асари мавжуд экани ҳақида Ҳожи Халифа ўзининг «Кашф аз-зунун» асарида айтиб ўтган.

Субазмуний Абу Ҳузайфа Исҳоқ ибн Бишрнинг асли қаердан эканини кўрсатмаган бўлса ҳам, унинг Бухорога келиб қолиши ҳақидаги ривоятни келтиради:

«Халифа Маъмуннинг бир насроний вазири бўлган. Халифа уни кўп марта Исломга даъват қилганидан сўнг вазир шарт қўяди. Бу шарт тўртта саводдан иборат бўлиб, унга жавоб беришса, Исломга киришини айтади. Халифа олимларни жамлайди ва улар насроний вазирнинг саволларини тинглайдилар. Лекин мажлисда хозир бўлган олимларнинг ҳеч бири бу саволларга жавоб бера олмайди. Олимлардан бири бу саволларга икки киши жавоб топиши мумкинлигини, у икки кишидан бири Абу Муқотил Самарқандий, иккинчиси Абу Ҳузайфа Балхий эканини айтади.

Амирал мұмминин у икки кишини ҳузурига чорлаб, хат жўнатади. Аммо чопар Самарқандга етиб келганида, Абу Муқотил Самарқандийнинг вафотига уч кун бўлган эди. Чопар Балхга қараб йўл олади. Абу Ҳузайфа хатни олгач, халифанинг ҳузурига боради. Амирал мұмминин бўлган воқеани унга айтиб беради. Қайтадан мажлис үйгадилар ва насроний ҳам келиб ўтиради. Шунда Маъмун насронийга Абу Ҳузайфа Исҳоқ ибн Бишри таништиради ва Исҳоққа:

«Эҳтимол, сенинг кўлингда мусулмон бўлар», дейди.

Абу Ҳузайфа билан насроний қарама-қарши ўтирадилар. Исҳоқ ибн Бишр:

«Хоҳлаган нарсангни сўра», дейди. Насроний биринчи саволини беради:

«Жаннатда шундай бир жой борки, ундан доимий равища олиб турилса ҳам, камаймайди. Унинг дунёдаги ўхшашини кўрсат». Абу Ҳузайфа:

«Бу илмдир, ундан мунтазам олиб турсанг ҳам, камаймайди», дей жавоб беради. Насроний:

«Тўғри айтдинг», дейди. Исҳоқ:

«Яна саволингни бер», дейди. Насроний:

«Жаннат ахли жаннатнинг яхшилигидан тўймайди. Бунинг дунёдаги мисолини келтир», дейди. Абу Ҳузайфа:

«Аллоҳнинг каломи, уни қайта-қайта, такрор-такрор ўқиласи, лекин унга ҳеч ким тўймайди», дей жавоб беради. Насроний:

«Тўғри айтдинг», дейди. Абу Ҳузайфа:

«Яна савол бер», дейди. Насроний:

«Жаннат ахли ейдилар, хурликда юрадилар, бавл қилмайдилар ва ични бўшатмайдилар. Унинг дунёдаги мисолини келтир», дейди. Исҳоқ:

«Бу она қорнидаги бола. У она еган нарса билан озиқланади ва ичган нарса билан қаноатланади, ични бўшатмайди ва бавл қилмайди», дей жавоб беради. Насроний:

«Рост айтдинг», дейди. Абу Ҳузайфа:

«Яна савол бер», дейди. Насроний:

«Аллоҳдан олдин кимдир бўлганми?» дейди. У:

«Кўлингни чиқар, – дейди. Насроний кўлини чиқаради. У: – Бир кўлингни, – дейди. Насроний бир кўлини чиқаради. Абу Ҳузайфа: – Бирдан олдин бошқа нарса борми?» дейди. Насроний:

«Йўқ», деб жавоб беради. Исҳоқ:

«Худди шунингдек, Аллоҳдан олдин ҳам бирор нарса бўлмаган», дей жавоб берди. Насроний вазир:

«Рост айтдинг», дейди.

Шундан сўнг насроний энг яхши тақводор мусулмонлардан бирига айланади. Бундан мамнун бўлган Халифа Маъмун Абу Ҳузайфани ўн минг дирҳам бериб мукофотлайди. Абу Ҳузайфа эса пулни эшикбон, коровул ва бошқаларга тарқатиб кетади. Бу хабар саройга, халифага етиб келганидан сўнг халифа дарҳол уни қайтариб олиб келишни буюради. Абу Ҳузайфа қайтиб келгач, ундан:

«Нима учун мен берган инъомни эшикбон ва бошқаларга тарқатдинг?» деб сўрайди.

«Чунки улар сени кўриклидилар ва сен учун куйиб-пишадилар, бунга улар ҳақлироқдирлар», деган жавобни беради.

Маъмун унинг бу гапига ажабланади-ю, лекин ўзига билдирилмайди. Ундаги қатъийликни кўриб, саксон минг дирҳам, улов ва кийим беришни буюради. Абу Ҳузайфа Бухорога қараб йўл олади ва Диукариках (асар хошияда Диуқанд номи билан танилган) деган мавзега тушади, бир ховли сотиб олиб, Бухорони ўзига ватан қилиб, ўша ерда вафот этади».

Бу ривоят орқали бизнинг юртимиздан бўлмаган олимларнинг Мовароуннаҳр ерларига келиб, ўрнашиб қолганликларини ҳамда Бухоро ҳам ўша даврда катта нуфузга эга бўлганлигини англаш мумкин. Бу эса Бухоронинг факиҳлар ва муҳаддислар юрти эканини кўрсатади.

*Абдуллоҳ Субазмунийнинг
«Кашф ал-осор фи маноқиб
Абу Ҳанифа» асаридан.*



АӘЛ БАХТИ

Барча ҳамдларнинг соҳиби бўлган Аллоҳга ҳамлар бўлсин. Мен ягона шериксиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг бандаси ва элчиси деб гувоҳлик бераман. Аллоҳ Унга, Унинг оиласи ва саҳобаларига салавот ва саломлар йўлласин

Ҳар бир киши қалби қайғу ва ғамлардан фориф бўлишини, роҳат ва фарогатда ором топишини истайди. Чунки шундагина қувонч ва шодлик ўзининг камолига етади. Бунинг диний, табиий ва амалий сабаблари ҳам бўлиб, улар мўминдагина жам бўла олади. Бошқаларда эса ораларидаги доноларнинг қилган харакатлари эвазига бир сабаб ва жиҳат туфайли ҳосил бўлиши мумкин. Аслида эса бу сабаб ва жиҳат уларга ҳолати ва келажаги соғлом бўлган тарафлардан етиб келгандир.

Мен ушбу рисолада барча инсонлар эришишга ҳаракат қиласидиган олий мақсадларнинг баъзи сабабларинигина эслатиб ўтмоқчиман.

– Баъзилар олий мақсадларининг кўпроқ қисмига эришди ва ширин ҳаёт кечирди.

– Баъзилар олий мақсадларига эриша олмай, ҳаётда бебаҳт бўлиб яшадилар.

– Баъзилар ўз муваффакиятлари сабабли ўрта йўлдадирлар.

Аллоҳ тавфиқ берувчи ва барча яхши ишлар ва ёмонликларни даф килишида ёрдам сўралувчи Зотdir.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Фасл

1. Олий мақсадга эришиш сабабларининг энг буюги ва энг асосийси иймон ва солих амалдир. Аллоҳ таъло марҳамат қиласиди: Эрқакми, аёлми, ким мўмин бўлган ҳолида солих амал қилса, уни пок, гўзал ҳаёт кечиртирамиз ва албатта, уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзали баробарида ажр ила мукофотлармиз» (*Наҳъл сураси, 97-оят*).

Аллоҳ таоло иймон ва солих амалларни бирлаштирган кимсаларни бу дунёда ширин ҳаёт ва охиратда чиройли савоблар билан мукофотлаши ҳақида хабар ва ваъдалар берди. Бунинг сабаби маълум.

– Мўминлар қувончни илтифот ва шукроналар билан қабул қиласидилар ҳамда фойдали бўлган йўлларда ишлатадилар.

– Мўминлар қийинчилик, зарар, қайғу ва ғамни имкон борича қаршилик кўрсатиш, енгиллаштириш ва сабр қилиш билан қаршилайдилар. Бундай қийинчиликлар натижасида уларда фойдали қаршилик, тажриба, кувват, сабр ва савоблардан умид ҳосил бўлади. Савоблар эса барча машақатларни йўқ қилиб, ўрнига қувонч, ширин орзулар, Аллоҳнинг фазли ва ажрига бўлган умид пайдо қилувчи буюк нарсалардир.

Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Имом Муслим ривоят қилган ҳадисларида айтадилар: «Мўминнинг барча ишлари хайрли эканига хайрон қоламан. Агар унга хурсандчилик етса, шукр қилади ва бу унинг учун хайрлидир. Агар мусибат етса, сабр қилади ва бу унинг учун хайрлидир. Бу факат мўмин учунгинадир».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминнинг бошига қувонч ва қайғуларнинг келишига қараб, яхшиликлари ва амалларининг самаралари кўпайиб бориши ҳақида хабар бердилар. Дарҳакиқат, икки тоифа одамлар борки, улар иймон ва амалларда фарқли бўлганлари учун яхшилик ва ёмонлик етган пайтларда ҳам фарқли ҳолатларда бўладилар.

У тоифаларнинг бири бошига етган яхшилик ва ёмонликни сабр ва шукроналар билан кутиб олади. Натижада унда қувониш, ҳаяжон пайдо бўлиб, қайғу, алам, сиқилиш ва ҳаётда учраб турадиган турли баҳтиқароликлар йўқ бўлади ҳамда бу дунёда ширин ҳаёт кечиради.

Иккинчи тоифа эса яхшиликларни кибр ва туғён билан кутиб олади-да, унинг ахлоқи бузилади. У яхшиликларни ҳайвон каби ҳарислик ва очқўзлик билан кутиб олади. Шунда ҳам у турли тарафлардан: яхши кўрган нарсаларининг йўқолиши, бу нарсалар сабабли пайдо бўлган қаршиликлар, нафснинг чегара билмаслиги, балки ҳосил бўладиган ёки бўлмайдиган бошқа ишларга интилиши ва шу нарсаларнинг ҳосил бўлиши билан безовта бўлаверади.

Ёмонликларни эса безовталиқ, қайғу, алам ва дод-фарёдлар билан кутиб олади. Сиз унинг бошига келган баҳтиқаролик, фикрий ва асабий ҳасталик, савобни умид қилмагани, тасалли ва енгиллик берадиган сабри бўлмагани учун ёмон ҳолатларга олиб борадиган кўркуви ҳақида сўраманг. Булар узок тажрибаларда кўрилган ҳодисалардир.

Биз сизга улардан бир мисол келтирамиз. Сиз у ҳақда бир фикр юритиб кўрсангиз, иймони тақозо этган нарсаларга амал қилган мўмин билан амал қилмаган киши ўртасидаги фарқни тушуниб етасиз.

Мўмин ўзига етган бетоблик, камбағаллик ёки шунга ўхшаш ҳолатларда иймони, қаноати ва Ал-

лоҳ берган қисматга розилиги билан доимо хурсанд бўлади. Унинг нафси ўзи учун тақдир қилинмаган нарсаларни талаб қилмайди, ўзидан юқоридагиларга эмас, пастларга қарайди. Гоҳо барча дунёвий матглабларга эришган, бироқ қаноати бўлмаган кишиларни кўрганида унинг роҳати ва қувончи зиёда бўлади.

Шунингдек, иймон тақозоси билан амал қилмаган киши камбағал бўлса ёки дунёвий манфаатлардан биронтасини йўқотса, ўзини энг баҳтиқаролардан санаб, куюнишига гувоҳ бўласиз.

Бошқа бир мисол: Иймони соғлом, иродали мўмин хатарли ва аламли лаҳзаларда ўзининг фикрлари, сўzlари ва бошқа харакатларини тадбирлаш ва юритишида саботли бўлади. Бу эса ҳар қандай инсоннинг қалбини хотиржам қилиб, қувонтиради.

Иймони бўлмаган кишида эса бунинг акси бўлади: хатарли пайтларда сиқилади, асаби бузилади, фикрлари парчаланади, кўрқади – сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ички ва ташки қўрқув унга хукмронлик қиласи.

Баъзи сабаблар ҳосил бўлмаганида, чиникишга муҳтоҷ бўлган бундай инсонларнинг кучи йўқолади ва асаблари таранглашади. Бунга сабаб эса уларни оғир ва қайғули лаҳзаларда сабрли бўлишга ундейдиган иймоннинг йўқлигидир.

Ҳақиқий мўмин иймонининг қуввати, сабри, Аллоҳга бўлган таваккули ва суюниши ҳамда Аллоҳнинг савобини умид қилиши каби шиҷоатини зиёда қиласидиган, хатарнинг юкини ва мусибатларни енгиллаштирадиган нарсалар билан ажралиб туради. Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: «**Агар алам чекаётган бўлсангиз, улар ҳам сиз алам чекаётганингиздек алам чекмокдалар. Сиз эса Аллоҳдан улар умид қилмаган нарсани умид қилмоқдасиз**» (*Niso сураси, 104-оят*).

Аллоҳнинг мўминлар билан хатарларни парчалаб ташлайдиган ҳамроҳлиги, ёрдами ва мадади давомийдир. Аллоҳ таоло айтади: «**Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилинг. Ўзаро низолашмангки, у ҳолда тушкунликка учрайсиз ва куч-қувватингиз кетадир. Ва сабр қилинг. Албатта, Аллоҳ сабрлилар биландир**» (*Анфол сураси, 46-оят*).

Дилором тайёрлаган

БУГУН НОИМА КИЛДИОНГ?

*Ҳар бир мусулмон шахс кунига
куйидаги саволлар билан ўзига му-
ројсаат қилиши лозим:*

1. Эрталаб ўнг ёнинг билан туриб, калимаи тавҳидни ва тамжидни ўқидингми?
2. Бомдод намозини эркаклар масжидда жамоат билан бирга, аёллар болалар билан уйда ўқишидими?
3. Кун чиққунча Қуръон ўқидингми ва Аллоҳни зикр қилдингми?
4. Бугунги кунингда ҳалолдан ризқ топиб, ҳалолдан ейишни сўрадингми?
5. Бугун уч марта «Аллоҳ, раҳматингга лойик кил», деб сўрадингми?
6. Бугун бомдод ва шом намозининг фарзидан сўнг етти марта «Аллоҳумма ажирни миан-нар» (Аллоҳим, дўзахдан сақла) деб сўрадингми?
7. Бугун беш вақт намозни эркаклар масжидда, аёллар уйда болалар билан бирга ўқидими?
8. Бугун 370 аъзойингдан ҳар бирининг садақаси учун икки ракат зуҳо намози ўқидингми?
9. Азон чақирилганида унинг дуосини ўқидингми?
10. Намоз вақтини кутиб, таҳорат қилдингми?
11. Овқатланаётганда, кийим кияётганда, чой ичаётганда хос дуоларни ўқидингми?

12. Бугун Ислом динида бўлганингга Аллоҳга ҳамду сано айтдингми?
13. Кўзинг кўрганига, қулоғинг эшитганига, қалбинг фикрлаганига ҳамду сано айтдингми?
14. Бугун тирик юрганингни ғанимат билиб, охиратга тайёргарлик қўрдингми?
15. Бугун Аллоҳнинг илмидан бирордан ўрганиб, бошқага ўргатдингми?
16. Бугунги ҳодисалардан нималарни ўргандинг ва бошқаларга ҳам ўргатдинг?
17. Бугун қўзингни, қулоғингни, баданингни ҳаромдан сақладингми?
18. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламга бугун неча марта салавот айтдинг?
19. Аллоҳнинг розилиги учун бетоб бўлиб қолган яқинларингни зиёрат қилдингми?
20. Эркаклар таҳорат қилиб, жанозаларга боришидими?
21. Бугун бирордан амри маъруф эшитдингми? Ёки ўзинг амри маъруф қилдингми?
22. Бугун Қуръони каримдан қанча сура ёки оят ўқидинг?
23. Аллоҳ розилиги учун қайси мусулмонга ёрдам бердинг?

24. Бирога ваъда берган бўлсанг, устидан чиқдингми? Ёки бажара олмаган бўлсанг, узр сўрадингми?

25. Бугун Аллоҳ розилиги учун ошкора яхшилик ёки яширинча яхшилик қилдингми?

26. Бугун садака бердингми ёки «Субҳаналоҳи валҳамдуиллаҳи ва ла илаҳа иллалоҳу валлоҳу ақбар» дуосини ўқидингми?

27. Сендан бирор юз ўғирган бўлса, бориб ярашдингми?

28. Бугун Аллоҳ розилиги учун ғазабингни ичингга ютдингми?

29. Бугун сенга бирор зулм қилган бўлса, сен кечирдингми?

30. Бугун қанча муддат жим туриб, Аллоҳнинг қудратини тафаккур қилдинг?

31. Кимни Аллоҳ учун яхши кўрдинг ва кимни Аллоҳ учун душман тутдинг?

32. Бугун энг яхши кўрган нарсангни Аллоҳ розилиги учун ҳадя қилдингми?

33. Бугун Исломдан адашган қайси бир инсонни тўғри йўлга солдинг?

34. Бугун қанча вақт ўзингни кулгидан тийдинг? (Тавба сурасининг 81-оятига қаранг)

35. Бугун неча марта Аллоҳни ёд олиб, Аллоҳдан кўрқиб, яширинча йиғладинг?

36. Бугун неча марта гуноҳларинг учун «Астағифируллоҳ», дединг, яъни истиғфор айтдинг?

37. Мўмин ва мусулмонларни дуо қилдингми?

38. Бугун қайси одамнинг ҳожатини чиқардинг?

39. Бугун сенга ўқрайганларга табассум қилдингми?

40. Ички (маънавий) поклик бўлмасдан, ташки (зоҳирий) поклик бўлмаслигини англаб етдингми?

41. Бугун гийбат, чакимчилик, ёлғон ва бефойда баҳс-тортишувдан тилингни тийдингми?

42. Бугун ўлимни эшитиб ва тобутни кўриб, ибрат олдингми ва «Инна лиллаҳи ва инна илляхи рожиъун» дедингми?

43. Бугун баданингга ҳалимликни, тақвони, сабрни ва таваккулни жойлаштиредингми?

44. Бугун ширкдан сақландингми?

45. Бугун қайси амалингни ишонч билан қилдинг?

46. Бугун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган ишларидан (суннатларидан) қилдингми?

47. Бугун неча марта ўлимни эсга олдинг ва қабр азобидан сақланишни сўрадинг?

48. Душанба ва пайшанба кунлари ёки ойнинг аввали, ўртаси ва охирида бир кундан рўза тутдингми?

49. Кўчага чиққанда, уйга-ҳовлига кирганда, таҳоратхонага кирганда ўқиладиган дуоларни мукаммал ўрганиб, уларни ўз ўрнида татбиқ қилдингми?

50. Жума куни жума намози ўқилмасидан уч соат олдин ғусл қилдингми?

51. Эрингни, ақа-укаларингни, ота-онангни, қўшнингни рози қилдингми? Яъни ҳаққини адо этдингми? Салом беришинг ва динни танитишинг қўшнингнинг сендаги ҳаққидир.

52. Каҳф сурасини ўқидингми? Чунки уни ҳар куни ўқиган аёлнинг зехни ўткир, умри узун бўлади, танаси касал бўлмайди.

53. Бугун фарз амалларининг ҳаммасини тўлиқ бажардингми?

54. Қийин аҳволга тушиб қолган бирор мусулмонга ёрдам қўлини чўза олдингми?

55. Қайси амалингни дангасалик қилмай бажардинг?

56. Бугунги кунингни тавба-истиғфор билан ўтказдингми?

Дилором тайёрлади



БОЛАЛАРНИ ЁЛҒОНГА ЎРГАТМАНГ!

Бир куни отамнинг дўсти келиб, дарвозамиз олдида «Химмат, ҳой Ҳиммат!» дея чақира бошлиди. Мен у кишини ичкарига бошламоқчи бўлиб дарвоза томон югурдим, шунда онам мени тўхтатиб:

– Даданг чарчаган, дам оляпти. «Дадам уйда йўқлар», деб айтгин, – дея тайинладилар.

Мен бўлсам «Хўп бўлади», деб югуриб дарваза ёнига бордим-да, қўлимни қўксимга қўйиб:

– Ассалому алайкум, – деб салом бердим.

– Ва алайкум ассалом, оппоқ қизим, дўмбок қизим. Отанг уйдами? – деди амаки.

Мен билагонлик қилиб:

– Онам «Даданг дам оляпти, йўқ деб айтгин», деди, – дедим.

Амаки кулди-да, мени даст ердан кўтариб олиб, ичкарига кирди.

– Ҳали онанг сенга ёлғон гапиришни ўргатяпти, дегин?! Қани, ўзидан сўраб кўрайлилк-чи? – дея тандирда нон ёпаётган онам томон юрди. У кишининг гапларини эшитиб, қизариб кетган онам хижолат бўлиб:

– Вой, сизмидингиз?! Келинг! Дадаси ҳозиргина дам олгани кириб кетгандилар. Сизлигингизни билмабман – деди.

Мени амакининг қўлидан олди-да, секингина чимчилаб қўйди. Мен «Вой!» деб, онамнинг қўлидан тушиб, қочиб кетдим...

Кечкурун онам мени роса койидилар.

Шундай қилиб онамдан ёлғон гапиришни ҳам ўрганиб олдим. Лекин бу ёмон одатлигини яхши билардим. Кейинчалик онам менга «Бошингга қилич келса ҳам, рост сўзла», дея уқтирадиган бўлдилар. «Ўзингиз ҳам гоҳида ёлғон гапирасиз-ку!» десам, «Яхшилик учун бўлса, ёлғон гапириш мумкин», дер эдилар.

Онам ҳар доим бозорга ўзлари борардилар. Биз «Бозорга мен ҳам бораман», дея хархаша қилсан, албатта «Мен бозорга эмас, дўхтирга кетяпман», дер эдилар. Ҳаммамиз жим бўлиб қолардик. Чунки шифокордан жуда ҳам қўркардик. Агар шифокорга боришимиз керак бўлса, онам яна алдадилар: «Юр, мен сени бир жойга олиб бораман...» Поликлиниканинг эшигидан кирган заҳотимиз чириллаб йиғлашга тушардик. Бизларни эмлатиш ёки укол қилдириш онам учун



азоб эди. Агар мабодо кўчада ўша оқ халатли амакини учратиб қоладиган бўлсак, дарҳол беркиниб олардик. У биз учун энг бераҳм, шафқатсиз, ёмон одам эди.

Онамнинг айтганини қилмасак, улар бизни «Хозир айтаман, олиб кетади!» дея ўша оқ халатли амаки ва ҳар доим шапка, форма кийиб юрадиган милиционер билан қўрқитардилар. Укам тез ухлайвермаса, дарров «Ана, олабўжи келяпти. Тез ухла! Бўлмаса сени олиб кетади!» дея пўписа қиласди. Укам эса уйкуси келмаса ҳам, қўзларини чирт юмиб, ўзини ухлаганга солиб ётарди.

Мана, орадан ойлар, ойлар кетидан йиллар ўтиб, ҳаммамиз вояга етдик. Ўқишга кириш мақсадида пойтахтга келдим. Ўша кезларда бир куни уйга бордим. Онам нафақа олган эканлар. Уни таҳмонга йифилган кўрпачалар орасига қўйдилар-да, беш ёшли жиянимга қараб: «Ҳеч кимга айтмагин!» дея тайинладилар. У: «Хўп бўлади», деди-да, бир оздан сўнг менга юзланди:

– Аммажон, аммажон! Бизнинг пулими-чи, кўрпачаларнинг орасида туради. Буни ҳеч кимга айтманг, хўпми? Мен ҳам айтмайман!

Унинг бу гапидан ҳаммамиз кулиб юбордик.

– Болалар беғубор-да. Болали уйда сир ётмас, дейишади-ку, – дедилар онам...


Ўтган йили ўғлимни пойтахтдаги лицейларнинг бирига олиб келдим.

– Агар шу лицейга кирсанг, кирган кунинг сенга соат олиб бераман. Боғни айланамиз, маза қилиб музқаймоқ еймиз, – деб ваъда бердим.

Ўғлим роса тайёрланди, репититорга қатнадик, расм чизиши, бўяшни ўрганиб олди. Ниҳоят имтиҳонларни топшириб, лицейга кирди. Иккаламиз ҳам хурсандмиз. Лицейдан чиқдимда, чиройли соат олиб бердим. Сўнг музқаймоқ сотиб олдик. Боққа олиб боришни ваъда қилганим эсимда эди-ю, ёнимда пул камроқ экан, уйга йўл олдик. Йўлда у:

– «Сени Ғафур Ғулом боғига олиб бераман, у ерда хоҳлаган нарсангда учасан», дегандингиз! Нега олиб бормаяпсиз? – деб сўраб қолди.

Нима дейишни билмай қолдим. Ўғлимга ни-



мани ваъда қилсан, уни албатта бажаришим лозим эди. Нимагадир ўша куни пулим камлигини унга билдиришни хоҳламадим.

– Аста-секин ҳаммаси бўлади. Ўғлим, ўқишинг бошланган заҳоти бирга бокқа борамиз. Ана, айтган нарсаларимни олиб бердим-ку! – дедим.

– Сиз ёлғончисиз! – дея ўғлим мендан аразлади.

Кейинроқ боққа олиб бордим, роса маза қилдик.

Яна бир куни унга компьютерда ўйнатишни ваъда қилиб, айтган вақтимда рухсат бермадим. Ўғлим яна аразлади, яна ёлғончига айландим...

Шундан сўнг билдимки, болаларни ҳеч қаҷон алдамаслик керак экан. Биз учун арзимас саналган бир оғиз ёлғон болаларнинг катталарга нисбатан ишончининг йўқолишига сабаб бўларкан.

Наргиза

Мұхтарама оналар! Ушбу қиссаны болаларингизга ўқиб берши билан бирга, улардан дикқат билан қулоқ солишиларини талаб қилинг. Қисса тугагач, саволларға жавоб бершилари кераклигини эслатинг. Албатта, қисса давомида улар учун тушунарсиз бўлган сўз ва ибораларни тушунтириб кетинг.

АЛИ ВА УНИНГ ДЎСТЛАРИ

Али исмли кичик бола бор экан.

Али текислиги, тепалиги ва тоғлари устида хилма-хил мевали дараҳтлар ўсадиган, тинч аҳоли истиқомат қиласидиган узоқ бир жойда яшар эди. Йил фасларининг кўп қисмida у ерлар ям-яшил гилем билан безаниб, турфа гуллар аҳоли яшайдиган жойларнинг чироийга чироий қўшиб турарди. Бундай пайтларда ушбу диёр яна ҳам гўзал кўринишда жисваланар эди.

Али мана шундай ажойиб жойда ўйнаб-кулиб улғайди, мактабда таълим олишни бошлади.

Кунларнинг бирида Али дўстлари билан масжиднинг ташқари ҳовлисида футбол ўйнашаётган эди. Болалар хурсанд бўлиб, бақир-чақир қилиб тўп тепишарди. Ўйнинг ниҳоятда берилиб кетган Али тўпни шунақанги тепдики, тўп учиб бориб, бир дўстига тегди. Тўпнинг зарбидан ўзини тута олмай, ерга йиқилган дўсти уни ҳақоратлай бошлади. Жаҳли чиқиб кетган Али уни урмоқчи бўлиб бораётган эди, нарироқда кузатиб турган бир оқсоқол мулойим овоз билан Алини чақириб қолди:

«Ўзингни бос, болам. Абу Туробга ўхшаган бўлгин, сенга унинг исмини қўйишган экан», деди.



Бу овозни эшитган кичкинтойлар жойларида қотиб қолишиди.

Улар кундузи шундай иссиқ вақтда масжиднинг яқинида бирор киши бўлишини хаёлларига келтиришмаган эди. Пешин намози вақтидан бир соатдан кўпроқ ўтган, намозга келганлар аллақачон уйларига кетишиганди. Болаларнинг пешин пайтидаги тўполнони катталарнинг дам олишларига ҳалакит берар, агар ҳовлиларига яқин жойда ўйнашса, улардан танбех эштишилари аниқ эди. Шунинг учун ҳам улар бемалол, бақир-чақир қилиб ўйнаш учун уйларидан узокроқни – масжид ҳовлисини танлашган эди...

Ҳамма болалар овоз келган томонга қарашди. Улар у одамни танидилар: беш вақт намозни шу ерда – масжидда ўқийдиган амаки. Аввал ҳам шу ерда ўйнашарди-ю, лекин бу қарияни намоз пайтидан бошқа вақт учратишмас эди.

Бели букилиб қолган бу оқсоқол жуда кам гапиради. Намозларни ўз вақтида жамоат билан ўқир, сўнг масжиднинг бурчакларидан бирига ўтириб, Қуръони каримдан бир-икки бет тиловат қилар, кейин ҳассасига таяниб, секин юриб уйи томон кетарди. Узун, майин, оппоқ соқоли қуёш нурида худди тиллага ўҳшаб ялтиради.

Болалар жойларидан қимирламасдан, ҳайрон бўлиб оқсоқолга қараб қолишиди. Уларнинг шовқин-суронларининг ўрнини сукунат эгаллади. Шу яқин атрофда ўтириб, уларнинг бақир-чақир қилиб ўйна-

шаштганини, кейин тўп бориб, ҳалиги болага текканини, сўнг урушиб кетишганини кузатиб турган оқсоқолни болалар пайқашмаганди.

Али ва у билан урушиб кетган ўртоғи масжиднинг соясида, азон айтиладиган жойнинг яқинида баладн овоз билан жанжал кўтарганлари учун уялиб кетишиди.

Оқсоқол ҳеч қачон намоздан бошқа пайт бу ерда ўтирмас эди. Авваллари ўтирган бўлса ҳам, болалар бу ерга келиб ўйнашни одат қылғанларидан бўён бугун биринчи марта кўриб туришлари эди.

Оқсоқолнинг соч-соқоли майин ва қалин, юзи бугдойрангта мойил, соchlари қордек оппок эди. Бўйи баланд, гапида фасоҳат, вазминлик ва ҳикмат бор эди. Ерлик ахолининг энг ёши улуғларидан бўлғани учунми ёки ташки кўринишидаги оғир-вазминликнинг салобати босдими, болалардан бирортаси ҳам у кишига гапиришга журъат эта олмай туриб қолишиди. Сўнг «Кетдик», деб бир-бирларига имлай бошлашди.

Болалар кета бошлашди, лекин Али нимадир сўрамоқчи бўлгандек, оқсоқолга қараб турарди. Ўртоқлари бирга кетиш учун уни чақиришса ҳам, эшифтмагандек, қимирламай тураверди. Оқсоқол ним табассум қилган ҳолда ўйланиб ўтиради.

Али сўрашиш учун оқсоқол томон юраётган эди, ўртоқлари «Борма, борма», деб бир овоздан бақириб юборишиди. Лекин Али ҳеч нарса эшифтмагандек, оқсоқолнинг олдига бориб, салом берди ва қўлини унга узатди. Оқсоқол Али билан сўрашиб, ёнига ўтириши учун унга жой кўрсатди. Сўнг бошқа болаларни ҳам чақириди. Улар кўрқиб-кўрқиб оқсоқолга яқинлашишиди.

Оқсоқол хотиржам оҳангда: «Ўтиринглар, болаларим. Сизларга нима бўлди, турган жойингизда қотиб қолдингиз? Кўрқманлар, мен ҳамма боболарга ўхшаган бобоман», деди.

Болалар хотиржам бўлиб ўтирганларидан кейин Али: «Бобо, нима учун менга «Абу Туробга ўхшаган бўлгин», дедингиз?» деб сўради.

Оқсоқол шундай чиройли жилмайдики, унинг нурли юзи яна ҳам ёришиб кетди. У: «Болажоним, мен бу ерлик болаларнинг деярли ҳаммасини танийман, бобонг Али менинг дўстим эди. Сенга эса бобонгнинг исмини қўйишган. У жуда эрта оламдан ўтди, Аллоҳ раҳмат қилсин, яхши одам эди. Сен ҳам унга ўхшаган яхши инсон бўлишинг керак. Бир жойда яшаб, бир масжиdda намоз ўқиб, бирга ўйнаб юрган дўстинг билан муштлашишинг мени хафа қилди», деди.

Али: «Бобожон, фақат биз эмас, ҳамма болалар ҳам урушишади. Ўйин пайтида ҳамма нарса бўлиши мумкин, ўйин тугагач, яна ярашиб, урушганимиз эсимиздан чиқиб кетади», деди.

Оқсоқол: «Яшанглар, болаларим. Биз ҳам худди сизлардек бола бўлғанмиз», деб хандон отиб кулди. Шундан кейингина болалар ҳам кулиб, ўзларини эркин сеза бошладилар.

Оқсоқол кулиб: «Эҳ, болаларим. Сизларга жуда хавасим келяпти. Қани эди мен ҳам сизлар билан футбол ўйнасанам. Бу зўр ўйин. Лекин афсус, ўзи манави ҳассамни зўрга кўтараман-у, футбол ўйнашга йўл бўлсин, – деди-да, кейин жиддий оҳангда: – Агар сизлар билан ўйнасанам, ҳаммандизни ютиб қўйман. Агар мени ютмоқчи бўлсангиз, тўпни дарвозага эмас, тўғри ҳассамга қаратиб тепинг; шу заҳоти ерга ийқиламан», деди.

Оқсоқолнинг бу ҳазилидан болалар мазза қилиб кулишиди.

Куйидаги саволларни ўқиб, жавоблар ичидан тўғрисини танланг:

1. Али ва унинг дўстлари қаерда яшашарди?
 - а) Шахарда
 - б) Аҳоли истиқомат қиласидан жойда
 - в) Қишлоқда

2. Болалар қаерда ва қайси вактда ўйнашаётган эди?
 - а) Эрталаб, масжид ҳовлисида
 - б) Пешинда, масжид ҳовлисида
 - в) Пешинда, бозорда.

3. Болалар оқсоқолни танишармиди?
 - а) Ҳа
 - б) Йўқ
 - в) Оқсоқолни баъзилари танишарди

4. Болалар нимадан ажабландилар?
 - а) Оқсоқолнинг мулойим овозидан
 - б) Оқсоқолнинг кўринишидан
 - в) Оқсоқолнинг ҳаракатларидан

5. Киссада келгани каби ўзинг танийдиган бирор катта ёшли одамни ўз услубингиз билан таърифлаб беринг.

«Мабарротул-Али вал-асҳабиҳи» муассасасининг «Қария ва дўстлар» журналидан.

Одинахон Муҳаммад Юсуф маржимаси.

ХОТИННИНГ ЭРДАГИ ҲАҚЛАРИ

Хотиннинг эри зиммасидаги ҳаққи эрнинг ўзига ҳам, молига ҳам тегишилдири. Яъни эрнинг зиммасида маҳр ва нафака сингари молиявий бурчлар ва хотинига нисбатан муомаладаги шахсий ҳақлар бор. Улар қуидагилар:

1. Эр хотинига нисбатан хушфеъл бўлиши, у билан яхши муомала қилиши, бирга фаровон ҳаёт кечириши, унга озор етказмаслиги лозим. Бу билан эр Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига амал қилган бўлади ва кўплаб ажру савобларга эришади. Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда: «Сизларнинг энг яхшиларингиз аёлларига яхшиларингиздир», дейилган.

2. Эр қўлидан келганича хотинидан содир бўладиган озорларни кўтариши, у ғазабланганида ва жаҳли чиққанда мулоийм бўлиши, баъзи ҳолатларда хатоларини кечириши керак. Бу ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилишдир. Имом Муслим ривоят қилишларича, Анас ибн Молик розияллоҳу анху айтадилар: «Расулуллоҳдан бошқа оиласига меҳрибонроқ бирор кишини кўрмадим».

3. Эркакнинг хотини билан ўз қадрини туширмайдиган даражада ҳазиллашиши, кулишиб, ўйнашиши аёлнинг кўнглини кўтаради.

4. Мусулмон эркак аёlinи бошқа номаҳрамлардан қизғаниши, унинг ор-номусини сақлаши, ҳар қандай оқибати ноҳуш ҳолатларга бепарво бўлмаслиги лозим. Аммо ёмон гумон, ҳаддан зиёд талабчанлик ва ҳар бир нарсани икир-чикиригача кавлаштиравериш дуруст эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан қайтарганлар. Имом Муслим Жобир розияллоҳу анхудан шундай ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ эркакларни аҳли аёлига ишонмай ёки ҳатоларини излаб, кечкурун келишдан қайтарганлар».

5. Эр хотиннинг ўзи учун алоҳида уй-жой қилиб бериши, унда эрнинг яқинларидан ҳеч ким бўлмаслиги лозим.

6. Эр ўз хотинига ваъда қилган маҳрни, у қанча бўлишидан қатъи назар, тўлиқ бериши керак. Маҳр фақат хотиннинг ҳаққидир.

7. Эр хотинининг озиқ-овқат ва кийим-бош каби эҳтиёжларини исрофга йўл қўймаган ҳолда, етарли таъминлаши керак. Эр аҳли аёли учун қилган ҳаржлари учун кўплаб ажр-савобга эришади. Имом Бухорий ва имом Муслимларнинг «Саҳих»ларида қуидаги ҳадис келтирилган:

«Саъд ибн Вакқос розияллоҳу анху ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар: «Сен Аллоҳ таолонинг розилигини истаб қилган ҳар

қандай ҳаржинг учун ажр оласан. Ҳатто хотининг оғзига тутган таоминг учун ҳам сенга ажр бор».

8. Эр хотинига динимиздаги шаръий масалаларни ўргатиши лозим. Иймон рукнларидан ва барча эътиқодий масалалардан бошлаб, таҳорат, ҳайз, намоз, рўза ва бошқа амалларга боғлиқ зарурий шаръий ҳукмларни билдириши ва доимо уни намозга ундан туриши керак. Зеро, эр шунга буюрилган.

9. Агар хотин эрига нисбатан исён қилса, ноўрин ҳатти-ҳаракатга йўл қўйса, эр уни тўғри йўлга солиш учун одоб ўргатиши керак. Бу хотинни ўзига бўйсунишга мажбурлаш учунгина эмас, балки биринчи навбатда Аллоҳ таолога итоат этишга ундаш мақсадида бўлиши зарур. Агар хотин намозни қолдирса, эри уни намозни адо қилишга қатъий ва кескин буюриши лозим. Хотин маълуми бир фарзни қолдирса ёки бирор ҳаром ишга кўл урса, эр бунга бепарво бўлмаслиги керак. Зеро, эр унинг қўриқчиси ва унга масъулдир.

Аёлга одоб беришни босқичма-босқич олиб бориш лозим. Аввало панд-насиҳат, огоҳлантириш, тарғиб қилиш ва қўрқитиши лозим. Бу фойда бермаса, тўшакда унга орқа қилиб, сўнг бир хонада алоҳида тўшақда ётиш керак. Аммо хонада ўзини ёлғиз ётқизиш дуруст эмас. Бу бир кечадан уч кечагача давом этиши мумкин. Агар бу ҳам фойда бермаса, хотинини ранжитадиган даражада, аммо жасадини қонатмасдан ва зарар етказмайдиган қилиб урилади. Хотиннинг юзига, бошига, қорнига, белига ва баданининг бошқа заарланадиган қисмига уриш мумкин эмас.

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий айтади:

«Хотиннинг эр устидаги ҳаққи бештадир: Аёл аврат бўлгани учун унинг сатрдан чиқишига йўл қўймаслик, чунки бу гуноҳ ва эркаклик ғурурининг топталишидир; Хотинига таҳорат, намоз, рўза каби зарур илмларни ўргатиш; Уни ҳалолдан таомлантириш, чунки гўшт ҳаромдан ўсса, олов билан эрийди; Унга зулм қилмаслик, чунки аёл эр учун омонатдир; Агар хотин ҳаддидан ошса, бундан ҳам ёмонроқ ҳолатга тушиб қолмаслиги учун унга насиҳат қилиш».

10. Эр хотиннинг иффатини сақлаши лозим. Хотинни ҳаромдан ҳимоя қилиш эрга вожибdir.

11. Эр ўз ҳоҳишини хотини эътиборга олишини истаганидек, хотиннинг ҳоҳишини, хусусан, ётоқдаги муносабатлар чоғида эътиборга олиши лозим.

12. Эр хотинни на сўзи билан ва на феъли билан сўқиб, айблаб, ҳақоратлаб, ёмонлаб паствга урмаслиги, унинг жисмию хулқини, оиласию яқинларини камситмайди. Бу каби ҳолатлар мусулмон ахлоқига мутлақо тўғри келмайди.

13. Эр хотинини яхши кўрса, хурматини жойига қўяди, ёмон кўрса, зулм қилмайди. Хоҳласа, чидаб яшасин, бўлмаса яхшиликча ажрашсин. Аёлни факат мардлар қадрлайди, паствлар хорлайди.

УЗОҚ УМР КҮРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Хар доим сог-саломат бўлиб, узоқ умр күриш сирлари кишиларни қадим-қадимдан ўйлантириб келган. Одамлар қадимдан соглом ва бақувват бўлиши мақсадида халқ табобатидан, яъни табиатнинг ўзидан кенг фойдаланганлар.

Канча умр күриш қўп жиҳатдан инсоннинг ўзига боғлиқдир. Буюк бобомиз Абу Али ибн Сино узоқ яшаш хусусида фикр юритиб, феъл-авторнинг юмшоқ, вазмин бўлишга, ўз вақтида овқатланишга, озода юриш ва танани ортиқча нарсалардан тозалаб туриш (хафтада ҳаммом)га амал қилиш, қаддиқоматини тўғри тутиш, бурун орқали нафас олиш, кийимнинг танага мослиги, жисмоний ҳамда рухий харакатларнинг бир-бирига ўйғунлиги, тўйиб ухлаш ва ўзини тетик тутишга алоҳида эътибор бериш кабиларни уқтирган эди. Буюк табибнинг бундан минг йил муқаддам айтган фикрлари бугунги қунда ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Доимо навқирон бўлиб юриш гўзал табиат, шифобахш гиёҳлар, кенг ва озода уй, меҳрибон аёл, содик дўст, жисмоний меҳнат, меҳроқибатли қариндош, аҳил жамоа, шунингдек, инсоннинг рухий оламига ҳам боғлиқдир.

Серҳаракат киши ҳамиша соғлом ва букувват бўлади. Нимжон, дангаса, захматни хуш кўрмайдиган, жаҳлдор, ҳасадгўй ва бадфеъл одамлар узоқ умр кўриш баҳтидан маҳрумдирлар. Тиббиёт уддасидан чикмаса, бемор Аллоҳнинг Ўзига сажда қилиш билан даволаниши ҳам мумкин. Бу оддий ҳақиқатни миллиардлаб инсонлар ўз хаётлари давомида синааб кўрганлар ва бунга ишонч ҳосил қилганлар.

АҚШдаги Гарвард университетининг профессори Герберт Бенсон ушбу ҳақиқатни илмий жиҳатдан ҳам асослади. Мунтазам намоз ўқиб, сажда қилиш нафас олиш сонини камайтиради ҳамда бош миянинг тўлқинли тебранишларини меъёрга келтиради. Бу тананинг ўзини ўзи даволаш жараёнига ёрдам беради.

Олимнинг кузатишларига қараганда, намозни мунтазам равишда ўқийдиганлар бошқаларга нисбатан узоқ умр кўрадилар, шунингдек, ўқимайдиганларга нисбатан шифокорга 36 фоизга кам мурожаат қилишар экан.

**ИНСОННИНГ МИЯ ФАОЛИЯТИ
УЧУН НИҲОЯТДА ЗАРУР БЎЛГАН
ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ:**

Олма, ўриқ, мол гўшти, сабзи, гулкарам, селдер, бодринг, гилос, курук мевалар, хом тухумнинг сарифи, балиқ, саримсоқ, узум, буйрак, жигар, сут, зайдун ёғи, пиёз, апельсин, нўхат, картошка, петрушка, кулупнай, ундирилган буғдой, кунгабоқар ёғи.

Азиз дўстим, дардга чалинмасликни, кўп узоқ умр кўришни ва ҳамиша қувноқ бўлишни истасангиз, кўп овқат тановул қилманг, балки кўпроқ ҳаракат қилинг, очиқ ҳавода кўпроқ бўлинг, телевизор ёнида камроқ ўтиринг, вақтида меъёрида ухланг, қилган меҳнатингиздан қувонч топа олинг. Оғриққа чидаёлмай, кўзларингиз ёшланса ҳам, ҳаракат қила оладиган аъзоларингиз билан ҳаракат қилинг, касалликка енгилманг, кимёвий дориларни кўп истеъмол қилманг.



ХИНА – АЖОЙИБ ВОСИТА

Шимолий ва шарқий Африкадан тортиб то Ҳиндистонгача бўлган тропик иқлимга эга бўлган ҳудудда дербенниклар оиласига мансуб бўлган лавсониянинг (хина ўсимлигининг) ёввойи бутазорлари ястаниб ётади. Биз билган настарин дарахти баландлигига бўлган ушибу бута кенг, япалоқ баргларга ва пушти ёки оқ ўткир ҳидли майдамайдага гулларга эга. Юқори томондаги новдаларидага тизилиб турган янги барглари жуда ҳам кучли бўяши хусусиятига эгадир. Улар газлама бўёқлари ва меҳнди (тана бўёғи) ишилаб чиқаршида кенг қўлланилади. Қолган барглар эса соч бўёғини ишилаб чиқарши учун қайта ишланади. Ўсимликнинг бўяши хусусиятига эга бўлмаган поясидан эса рангсиз хина, гулларидан юқори сифатли эфир мойи олиниади. Лавсониянинг ҳамма қисмларидан турли дори-дармонлар тайёрлашида фойдаланилади.

Хина ажойиб даволаши воситаси ҳисобланади. Ҳиндистонлик ва умуман, шарқ дәлларининг у билан фақат соchlарини эмас, балки оёқ ва қўл кафтларини ҳам бўяшлари бежиз эмас.

Хина қадимдан ҳалқ табобатида қўлланиб келган. Қадимда хина яраларга қўйилган, сувак, тери касалликларидаги, бош оғригидаги, қон босимини туширишида, қон тўхтатишида кенг қўлланилган.

Хина – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан соч ва терини бўяши учун тавсия қилинган воситадир. Терига қўйилган хина унга сув етишига тўскинлик қўлмайди, шунинг учун уни қўллаш таҳоратни ҳам, гулни ҳам бузмайди.



ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТДА ХИНА ҲАҚИДА ҚАНДАЙ МАЪЛУМОТЛАР БОР?

Хина тозаловчи, ҳимоя ва соғломлаштириш хусусиятларига эга. У юз ва тана терисига ёшартиравчи ва юмшатувчи таъсир кўрсатади, соч толалари таркибини яхшилайди, уларнинг тўкилишининг олдини олади, қазғоқни йўқотади, (соch пиёзчасини озиқлантириш орқали) ўзагини мустаҳкамлайди, табиий жило беради, сочни ишириб, унга қалинлик кўринишини беради ва турмаклашни осонлаштиради.

Хина яллиғланиш ва дағаллашишини йўқотишда ёрдам беради, терининг тозаланиши ва юмшашини таъминлайди, қичишиш, йирингли ярачаларни йўқотади, замбуруғ касалликларини даволашда ёрдам беради. Бундан ташқари, у жуда яхши антисептик (микробга қарши восита) ҳам ҳисобланади.

Хина терини фаол ультрабинафша нурларидан ҳимоя қиласи. Унинг таркибида органик кислоталар, танинлар, полисахаридлар, смола ва ёф моддалари, С ва К витаминлари, эфир мойи қолдиклари мавжуд. Энг қизиқ жойи шундаки, оддий сунъий бўёқлар сочнинг ичига кириб боради, хина бўёғи эса соч тузилмалари ичига кирмасдан, уни сув ўтказувчи қават билан қоплаб олади ва рангнинг узок муддат сақланиб туришини таъминлайди.

ХИНАНИНГ БИР НЕЧА СИРЛАРИ

Сочни бўяш

Рекламалар бизни соч бўёкларининг хавфсизлиги ва ҳатто фойдалилигига ишонтиришга астайдил уринади. Лекин химия барibir химиядир. Унинг ёрдамида яратилган гўзалликнинг умри қисқадир. Бироқ сунъий бўёклар таъсирида сочининг тўкилиши ва нозиклашиши билан узок муддат курашишга тўғри келади. Ваҳоланки, косметологияда соч бўяш амалиёти минг йиллардан буён давом этиб келмоқда. Қадимги Миср ва Бобил, Хиндистон ва Араб шарқи гўзаллари ушбу мақсадда хинадан фойдаланганлар.

ҚАЙСИ ҲОЛЛАРДА СИЗГА ХИНА ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ?

1. Сочингиз яқин орада сунъий модда билан бўялган ёки рангизлантирилган бўлса, табиий бўёклар сунъий бўёклар билан мувофиқ келмайди. Бу ҳолда натижа умуман кутилмаган бўлиши мумкин. Сочингиз ҳар қандай рангга – апельсин рангидан тортиб яшил ранггача кириб қолиши мумкин.

2. Агар сочиниз сунъий жингалак қилинган (кокилланган, завивка) бўлса, хина билан бўялгандан сўнг ҳам сунъий жингалак қилиш мумкин эмас.

3. Агар сочиниз табиатан ёрқин рангли бўлса. Лекин сиз сочинизнинг малла рангга киришини хоҳласангиз, бошқа гап.

4. Агар сиз сочиниз рангини тез-тез ўзгартиришга кўнишиб қолган бўлсангиз.

Хина билан бўягандан кейин сиз узок муддат сунъий жингалаклай олмайсиз, сунъий бўёклар кўллай олмайсиз, сочинизни рангизлантира олмайсиз.

5. Агар сочинизнинг 40 % дан кўп қисми оқарган бўлса (бу ҳолда соч сабзирангта кириб қолиши мумкин).

СОЧНИ БЎЯШ

Зарур бўладиган нарсалар: 1 тадан 3 тагача пакетчадаги хина (бу сочинизнинг узунлигига боғлиқ), эски сочиқ, кичикроқ косача, кенг сартарошлик чуткаси (кисточка), резина қўлқоплар, пахта, крем, пластик плёнка (ўртача катталиқдаги целлофан пакет ҳам бўлаверади), агар сочиниз узун бўлса, шпилькалар.


Соч бўяш босқичлари:

1. Хинани қуюқ сметана холатига киргунча қайнок сув қуйиб, аралаштиринг. Аралашмай колган бўлакчалар қолмаслиги керак (бунинг учун сув қўшишдан аввал хинани элаб олинг ёки тайёр қоришмани сузгичдан ўтказиб олинг). Яхшироқ суртилиши учун ва никоб хусусияти пайдо бўлиши учун қоришмага тухум сарифи, календула мойи, жожоба ёки хина мойидан қўшиш мумкин.

2. Елкангизга эски сочиқни ёпинг. Хина доғларини кийимдан кетказишининг иложи йўқ. Пешонангизга соч ўсган чизиги бўйича крем суртиб олинг. Бу тери бўялиб қолишининг олдини олади.

3. Бўёкни куруқ, тоза сочга суртиш керак. Бўяшини энса қисмидан бошлаган маъкул. Бошнинг энса қисми энг паст ҳароратга эга, шунинг учун у ердаги соч толалари узокроқ бўялади. Кейин бўёкни бошнинг тепа ва чакка қисмларига, охирида эса сочининг бутун узунлиги бўйлаб суртиб чиқинг. Хинанинг терига тушмаслигига эътибор беринг. Агар бу ҳолат юз берса, дарҳол намланган пахта билан артиб ташланг.

4. Сочнинг ҳамма қисмини бўягандан сўнг сочинизни уқалаб чиқинг, шунда хина бир текис ётади. Агар сочиниз узун бўлса, шпилька билан йиғиб олинг. Бошингизни пластик плёнка билан ёпинг, бунда пешонанинг соч ўсиш чизиги бўйлаб



пахтадан қилингандын бөгөнчө боғлаб олинг. Плёнканинг устидан эса сочиқ билан ўраб олинг.

5. Хинани қанча вақтта қўйиш керак? Бу сочнинг дастлабки рангида, унинг қалинлигига ва қандай жилога эришмоқчи эканингизга боғлиkdir. Энг яхшиси сочни бўяшдан аввал бир тутамида синаб кўриш керак. Бу тажриба хинани қанча вақтта қўйишни бехато аниқлашга ёрдам беради. Агар сизда бу амал учун вақт ва хоҳиш бўлмаса ва сочинингизнинг дастлабки ранги ёрқин ранг бўлса, малла рангга кириши учун 5-10 дақиқа, тўқ рангли соч учун 30-40 дақиқа, қора соchlар учун 1,5-2 соат керак бўлади.

6. Бўяш вақти тугагандан кейин сочни яхшилаб ювиш лозим. Бу жараён анча мураккаб ва қувват талаб килади. Соchни ундан оқаётган сув мутлако тоза ва тиник ҳолга келгунча ювиш керак. Соchдан хинанинг қолдиқларини ювиш учун чайқовчи малҳам (бальзам-ополаскиватель)дан фойдаланиш ёки кейинроқ қуритиш давомида фен ёрдамида тозалаш мумкин.

Шуни ёдда тутиш керакки, хинанинг хақиқий ранги одатда икки-уч кундан кейин, айниқса күёш нурида юзага чиқади. Шунинг учун сунъий тобланышга борилса ёки шунчаки күёш нурида турилса, айни муддао бўлади. Бу нарса соchнинг ажойиб тарзда товланишига имкон беради.

Агар фақатгина сизда мавжуд бўлган рангни пайдо қилмоқчи бўлсангиз, унда тажриба ўтказиб кўриш мумкин.

Масалан, агар қадимги ҳинд рецептига амал қилиб, 100 грамм хинага 10 г оддий майдаланган чиннигул (гвоздика) қўшиладиган бўлса, соч яна ҳам тўқ рангга кириб, ёрқинлашади. Лавлаги суви ҳам ўзига хос жило пайдо қилиши мумкин. Куюқ қилиб дамланган чой соchни ёрқин сарик рангга бўяйди. Агар 4 чой қошиқ кофе қўшиладиган бўлса, бу сочга каштан рангини беради. Соchнинг турли жилоланишига эга бўлиш учун хинани 3-4 қошиқ какао билан арапаштириш кифоя қилади. Бунда соч кўпчиликка таниш бўлган қизил дараҳт рангни олади. Мойчечак дамламаси эса соchни ёрқин олтин рангга киритади (1 қошиқ мойчечак гулидан сувга қўшилади). Хина қоришмасига бир оз каркаде чойи қўшилса, соч қизғиш рангга киради. Агар хина пиёз пўчоғи билан қайнатиб кўлланилса, мис ранг ёки олтин ранг жилони пайдо қилиш мумкин.

Сочни ёрқин қизғиш рангга киритиш учун унга 1 қисм хина ва 3 қисм басмадан иборат арапаш-

мани суртиб, 1 соат кутиш керак. Агар арапашма кўпроқ вақт (1,5 соат) ушлаб турилса, табиий каштан рангини ҳосил қилиш мумкин. Ёқимли бронза рангини ҳосил қилиш учун 2 қисм хинага 1 қисм басма кўшиш керак бўлади.

Хина билан басма қоришмасининг қора ранг ҳосил қилувчи нисбати ҳам маълум, бироқ ҳадисларга биноан, сочни қора рангга бўяш мумкин эмас.

Энди сочларингиз чирой ва соғломлик билан товланмоқда! Ушбу товланиши сақлаб қолиш учун нима қилиш керак?

– Хина рангизланиш хусусиятига эга. Бироқ хинани икки ойда бир мартадан кўп қўлламант. Тез-тез қўллаш натижасида аксинча таъсир юз бериши мумкин: соч хира рангга кириб қолади.

– Агар сиз эски хина бўёғини янгилашни хохласангиз, буни чайқаш ёрдамида амалга оширинг. Бунинг учун 50 г хинани 1,25 л қайноқ сувга арапаштиринг. Қоришмани сузгичдан ўтказиб, совутинг. Шундан кейин у билан сочинигизни чайқашингиз мумкин.

ЯНА БАЪЗИ БИР СИРЛАР ЁКИ БАСМАЛИ ХИНА

Хинани басма (индиго) билан бирга қўллаш натижасида ёрқин қизғиш рангдан тортиб қора рангача пайдо қилиш мумкин. Лекин басманинг ўзини қўллаш тавсия этилмайди, чунки басманинг табиий ранги тўқ яшилдир. Хина ва басманинг баробар нисбатдаги арапашмаси ёрдамида сочни каштан рангига бўяш мумкин.

ОРТИҚЧА ЁРҚИН РАНГНИ ҚАНДАЙ КЕТКАЗИШ МУМКИН?

Озгина ўсимлик мойини қиздиринг ва уни сочинигизга яхшилаб суртинг. Фен билан бир оз қуритиб, сўнг мойни шампунь билан ювиб ташланг. Мой хинани ўзига шимиб олади. Агар бир мартадан сўнг натижа сиз истаганчалик бўлмаса, муолажани такрорланг.

НОННИНГ УШОГИ ҲАМ НОН

1950-1960 йилларда Эски шаҳар нон дўйонларида биргина тешиккулчанинг етти хили бўлган экан. Ҳозир эса уларнинг кўплари унудилиб кетган. Эл-юрт учун фойдали анъаналар тикланаётган бир даврда нон маҳсулотларининг ана шу унудилган турларини тикласак бўлмасмикин? Бу катта аҳамият касб этган муаммолардан бири эмасми?

Маълумотларга кўра, агар киши бир кунда бир грамм нонни увол қилса, мамлакат бўйича бир кунда 270 тонна, бир йилда эса 100 минг тоннага яқин нон исроф бўлар экан. Шу ўринда ҳозирги кунда бир грамм эмас, ундан ҳам кўпроқ нон увол бўлаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Аҳамият берган бўлсангиз, айrim нон дўйонларининг пештахтаси нон ушоқлари билан тўлиб ётади!

Кейинги пайтларда автобус бўлмаларида, девор тагларida ва ҳатто ахлатхоналарда нон бўлакларини учратиш ўта нохуш ҳолатдир. Бундай ҳолатнинг юзага келиш сабаблари қаторида маҳсулотларнинг сифати пастлигини ҳам санаб ўтиш мумкин. Лекин қандай бўлганда ҳам, бу нон-ку!

Ортиб қолган нон бўлакларидан унумли фойдалана олмаслигимизни ҳам ноннинг исроф бўлиши са-

бабларидан бири деб биламан. Кўйида эътиборингизга нон толқонидан ичимлик ва бўғирсоқлар тайёрлаш борасида йўл-йўриқ бермоқчиман.

НОН ТОЛҚОНИДАН БЎҒИРСОҚЛАР

Қаттиқ нонни гўшт қиймалагичдан ўтказсангиз, майдаланиб, толқон ҳолатига келади. Уни элакдан ўтказинг. Озгина илик сутга эритилган асал қўшиб, нон толқондан ҳамир қоринг. Кейин ёнғоқдай келадиган зувалачаларни ёғ суртилган газ патнисига териб, духовкада қизартириб олинг. Бундай бўғирсоқларни ёш болалар маза қилиб ейишлари аник.

КИСЕЛЬ

Нон толқонидан кисель тайёрлаш ҳам мумкин. Бунинг учун толконга бир оз сув қўшиб, яхшилаб арапаштирилади. Қаймоқ куюқлигига келганда сут қўшилади-да, паст оловга қўйиб, ўн дақиқача қайнатилади, қайнаш давомида муттасил кавлаб турилади. Сўнгра шакар ёки суюлтирилган асал арапаштириб, совутилади. Бундай яхна кисель кишига хузур баҳш этади.

*Муҳайё Шарифжон қизи.
Тошкент шаҳри*



ЧЕТ ЭЛ ТАОМЛАРИ

МИСР ПАЛОВИ

Қайнатилган гуруч ёғ солмасдан қовурилади. Устидан ёғ билан товук жигари, пиёз, кубик шаклида тўғралган дудланган гўшт ва кесилган қўзиқорин солинади. Ҳаммаси аралаштирилиб, устидан сув қўйилади. Қайнаб чиққанидан сўнг тузи расоланиб, қозоннинг қопқофи ёпилади ва қозонни олдиндан ёқиб, қиздирилган духовкага кўйиб, 15-20 дақиқа димлаб кўйилади.

Масаллиқлар: 500 г гуруч, 200 г сариёғ, 1 та пиёз, 100 г товук жигари, 200 г дудланган гўшт, 300 г қўзиқорин, 100 г сув ва таъба туз.

ТУНИСЧА СПАГЕТТИ

Гўшт майда бўлакларга бўлинади. Устига туз ва зираворлар сепилиб, зайдун ёғида пиёз билан бирга бир неча дақиқа қовурилади. Кейин унга помидор пастаси, янчилган ширин қизил булғор қалампири қўшилиб, устидан сув қўйилади. Сув қайнагач, олов пасайтирилиб, бир ярим соат да- вомида димланади. Кейин шўрва ичида гўштлари олинниб, яна бир литр қайноқ сув қўйилади. Шўрвага спагеттилар солиниб, ўн беш дақиқа қайнатилади. Оловдан олинганидан кейин таомнинг тузи ростланади, сариёғ қўшиб аралаштирилади ва бир оз дам берилади. Тайёр спагетти олиб қўйилган гўшт бўлаклари билан бирга тортилади.

Керакли масаллиқлар: 300 г қўй ёки товук гўшти, 30 г сариёғ, 100 г зайдун ёғи, 500 г спагетти, бир бош пиёз, икки қошиқ томат пастаси, мурч, янчилган ширин қизил булғор қалампири, туз.

*Азиза Ҳайитова тайёрлаган.
(«Араб ошхонаси» китобидан)*

